

— Энди гап бундоқ, — деди у нихоят ҳужжатлардан бошини кўтариб. — Мен шу ерда ишлайман, Мирзоҳид Абдуллаев бўламан. Биласиз, бунақа ишлар ўзича бўлавермайди. Озроқ "ҳаражат" қилишингизга тўғри келади. Агар 100 АҚШ доллари бермасангиз, ишингиз битмайди.



Режа Сарварга мойдек ёқиб тушди. У аини чоғда бундан-да ёмонроқ ишни қилишга ҳам тайёр эди. Иккала дўст Қарши шаҳридаги суратхонага бориб, суратларни етарлига кўпайтиришди ва Шамсиянинг туғилган кунинда унга аталган "совға"ни қандай "топшириш"ни келишиб олишди.



Нишқид

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq-gazeta.uz

2016-йил 2-июн, №22 (1011)



Бош прокуратурада

Долзарб масалалар муҳокама қилинди

Жорий йилнинг 31 май кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДАЛҚК департаменти раҳбарияти, таркибий тармоқлар раҳбарлари, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар иштирок этди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йилгирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг ижроси ҳамда Тошкент вилоят прокуратураси органларининг ҳудудда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасидаги фаолиятини комплекс текшириш якунлари муҳокама қилинди.

Мажлисида амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш ҳамда бу борадаги қонун бузилишларнинг олдини олиш, қарорнинг мазмун-моҳиятини масъул ижрочиларга ва кенг жамоатчиликка етказиш борасидаги фаолият мутоасадди идоралар билан ҳамкорликда тизимли равишда олиб борилганлиги таъкидланди.

Жумладан, амнистия акти қўлланилган шахсларга 1,9

млрд. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатирилган шахсларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилган, 2 276 нафар меҳнатга лаёқатли шахслар иш билан таъминланган.

Прокуратура органлари томонидан амнистия тўғрисидаги қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ва бевосита ижрочиларга етказиш борасида 5 500 дан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Йиғилишда Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида белгиланган вазифалар асосида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ишларни ташкил қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳожаатла-

Умирбек МАДРАХИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта
прокурори

ри билан ишлашга устувор аҳамият берилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, 1132 та тадбиркорларга муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг 24 346 та муурожаатлари қонун доирасида ҳал этилган, 29 147 нафар фуқаролар бевосита прокуратура органларида қабул қилинган.

Шу билан бирга, мажлисида амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлашда айрим мансабдорлар томонидан камчиликларга йўл қўйилганлиги, шу каби Тошкент вилоят прокуратураси органларининг фаолияти ҳам камчиликлардан холи бўлмаганлиги таъкидланиб, каттик танқид остига олинди.

Мажлисида прокурорларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш юзасидан аниқ вазифалар ўқлатилди.

Ҳайъат мажлиси якунида тегишли қарор қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Болалар ёзи

Таътил мароқли ўтади

Болаларнинг ёзи дам олишини мазмунли ташкил этиш ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, янги ўқув йилида фанларни пухта ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси томонидан Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси асосида ўқувчиларнинг жорий йилги ёзи дам олиш мавсумига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилади.

Жорий йилда мамлакатимиздаги 1 минг 204 оромгоҳда 292 мингдан ортиқ ўғил-қиз дам олади. Ёз мавсуми давомида барча ҳудудларда интеллектуал ривожлантириш, экологик-биологик, ўлкашунослик, техник ижодкорлик, бадий ижодиёт, ижтимоий мослашув бўйича иштирослаштирилган оромгоҳлар ташкил этилади. Усмирлар учун меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари фаолият кўрсатади.



Коррупцияга қарши курашиш — долзарб вазифа

Марат ПАЛВАНОВ,

Бош прокуратуранинг Олий ўқув
курслари бўлим бошлиғи

Тадбирда Бош прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Давлат солиқ, божхона қўмиталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Юристар малакасини ошириш маркази, Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент Давлат юридик университети, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Коррупция давлатни заифлаштирадиган хавфли иллатлардан биридир. Бу борада Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: "Агар қонун бажарилмаса, қонунда бир нарсга ёзилиб, ҳаётда ҳаммаси бошқача бўлса, одамларнинг Конституцияимиз ва қонунларимизда муҳрлаб қўйилган адолат ва демократия нормаларига нисбатан ҳар қандай ишончи йўқолади. Бундай ҳолат барчамизга аён. Қонун ва қонун устуворлиги бўлмаган жойда аввало унинг ўрнини коррупция деган бало эгаллайди", деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ҳамкорлигида мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий тараққиётига жиддий зиён етказувчи коррупцияга қарши кураш борасидаги тадбирлар мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Коррупция муаммоси унинг пайдо бўлишига қў-

маклашадиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар орқали ҳал қилиниши лозим. Бинобарин, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларни қонунга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш орқали коррупциянинг олдини олиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Анжуман доирасида республикамизда коррупцияга қарши курашнинг барқарор ташкилий-ҳуқуқий тизими яратилганлиги, жумладан, 2008 йил 7 июлда "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича махсус тузилмалар самарали фаолият олиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан коррупцияга қарши курашиш ва бу йўналишдаги профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, бу борадаги парламент ва жамоатчилик назоратининг ўрни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий таъминнинг аҳамияти каби масалалар кенг муҳокама қилинди.

Билиб босилган тикан

Бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар жаҳон ҳамжамиятида жиддий ташвиш ва хавотирларни келтириб чиқармоқда.

Зарифа МАВЛОНОВА,
Миробод туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

Одам савдосига қарши курашиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамадан, афсуски, фибрибгарлар тузоғига илиниб, алданиб қолаётган, бу иллатнинг кур-

наётганларнинг катта қисмини аёллар ташкил этаётгани эса ачинарли ҳолдир.

Муяссар Файратова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мўмай даромадни орзу қилиб, енгил ва нопок йўллар билан бойиб кетишни режалаштирди. У Даврон Зокиров ва дастлабки тергов даврида шахси-

хорижда пул топиш истагини билдирган қизларни топишди. Сўнгра уларни давлатимиз чегарасидан олиб ўтиб, хорижда фахш ишларда фойдаланишни режалаштиришди.

2014-2015 йилларда уларнинг тузоғига била туриб, Светлана Ким, Валентина Губанова ва Татьяна Сиропатова каби

бир неча нафар қизлар илинишган экан. Бу шахслар жиний гуруҳнинг ваъдаларига ўчиб, оилар давомида турли азобларга дучор бўлишди. Амал-тақал қилиб, юртимизга кириб келишди ва бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот идораларига ариза билан мурожаат қилдилар.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг ҳукми билан М.Файратова ҳамда Д.Зокировга 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



бонига айланаётган юртдошларимиз ҳали-ҳамон учраб турибди. Одам савдосидек жирканч қилмиш билан шуғуллани

ни аниқлашнинг имкони бўлмаган "Рустам" исмли кимса билан ўзаро жиний тил бириктириб, енгил йўл билан

М.Файратова ҳамда Д.Зокировга 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Нафақа тайинлашдаги қонунбузарлик

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 8, 17-бандларига мувофиқ нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади. Махсус комиссия ариза берилган санадан бошлаб ўн кун муддатда оиланинг моддий ва муайян ҳолатини ўрганиб чиқади, шундан кейин тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги хулосани фуқаролар йигинига ёки комиссияга киритади.

Дилмурод САЙФИДДИНОВ,
Тошлоқ туман прокурорининг ёрдамчиси

евнинг "саховатпешалиги" ҳамда комиссия аъзоси, кам таъминланган оилаларга нафақа тайинлашнинг назорат қилиши лозим бўлган туман бандликка кўмаклашиш марказининг ушбу ҚФЙдаги ҳудудий инспектори Нуриддин Нишоннинг ҳайбаракаллачилиги оқибатида аризалар бўйича оилаларнинг моддий ва муайян аҳоли тўлиқ ўрганилмадан хулосалар тайёрланиб, муҳтожлар қаторида ўзига тўқ хонадонларга ҳам нафақа тўланаверган. 14 ҳолатда 14 ёшгача болали оилаларга нафақа пули ва 20 та ҳолатда икки ёшгача бола парвариши учун нафақа пули — жами 25 млн. 941 миң сўм қонунга зид равишда тўлаб юборилган.

Дастлабки терговда етказилган зарар ўрни тўлиқ қопланди. Фуқаролар ноқонуний тўланган нафақа пуллари қайтариб топширишди. ЖКнинг 167-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган Н.Абдуллаев ва Н.Нишоннинг айби тўлиқ иқrorликлари билан ташқари гувоҳлар, фуқаровий даввогарнинг кўрсатмалари, ҳужжатли далиллар билан исботланди. Қонунларимизга ҳос инсонпарварлик намунаси сифатида судланувчиларга тегишли хулоса чиқариб, бундан кейин ҳалол ишлаб яшаш учун имкониети берилди. Суд уларга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаган ҳолда амнистия актини қўллаб, жазони ўташдан озод қилди.

Тумандаги "Заркент" кишлоқ фуқаролар йиғинида тузилган беш кишидан иборат махсус комиссия томонидан нафақа ажратишни сўраб мурожаат этган фуқароларнинг шарт-шароитлари, тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ўрганилиб хулоса беришда Низом талабларига амал қилинмаган. Тақдим этилган ҳужжатларнинг, комиссия хулосасининг ҳаққонийлиги учун бевосита жавобгар бўлган комиссия аъзоси — ҚФЙ масъул котиби Нажмиддин Абдулла-

Виждон четга сурилса...

Халқимизда «Яхши ошини, ёмон бошини ейди», деган иборат бор. Бугун нафс сўзига кириб, мўмай пул топаман деб, яхшигина иш жойидан мосуво бўлган Равшан Мухторов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жазо муддатини ўтапти.

Ёрқин МИРСАЛИХОВ,
СВЖОЖДЛКК департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси бўлими
бошлиғи

Фуқаро Мухлиса Абдуллаева пойтахтимиздаги Юнусобод тумани ҳудудидаги уйлардан бирини сотиб олишни мақсад қилади. Бироқ унинг жойлашувини кўргач, унда шубҳа пайдо бўлади. Боиси ушбу объект жойлашган манзилнинг яқин атрофидаги уй-жойлар бузилиб, янги бинолар қад ростлаётган эди.

Маъруз масалага оидинлик киритиш мақсадида М.Абдуллаева Тошкент шаҳар архитек-

тура ва қурилиш бош бошқармасига боради. У ерда ушбу масала билан шуғулланадиган ходимни топиб, ундан харид қилмоқчи бўлган уй яқин йиллар ичда бузилиши ёки бузилмаслигини сўрайди. Р.Мухторов эса мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда виждонини четга суради ва вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишни мақсад қилади. М.Абдуллаевадан ушбу масалага оидинлик киритиб бериш учун

350 миң сўм пул талаб қилади. Иши битмаслигидан қўрққан М.Абдуллаева унинг талабига рози бўлади.

Бироқ Р.Мухторов мақсадида эриша олмади. У аёлдан 350 миң сўм пулни олаётган вақтида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди Р.Мухторовнинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Инсон феъл-атворида тизгинсиз бир ҳолат мавжуд. Базан қилаётган хатти-ҳаракатининг оқибатини билиб туриб ҳам давом эттираверади. Шавкат Ражабов ҳам ана шундайлардан бўлиб чиқди. Унинг феъл-атворида ҳам бепарволик, эътиборсизлик ҳукмрон бўлгани боис жиноят кўчасига такрор кирди.

Эгасига етиб бормаган «Газел»лар

Азизбек АХМЕДОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Мақдам судланган бўлишига қарамай ҳаётда тўғри йўл танлашда бироз адашди.

2005 йилдан 2013 йилга қадар Россия Федерациясида ишлаб юрган Шавкат Ражабов бировлар ишончига кириб, Ўзбекистон Республикасига Россия Федерациясидан арзон нархларда юк ташувчи "Газел" автомашиналари олиб келиб беришни ваъда қилади. Унга ишонган фуқаролар автомашина олиш учун пешона тери билан ишлаб толган пуллари топширадидилар. Бироқ унинг мақсади бошқа эди.

Хуллас, унга машина савдосида Россия Федерациясидан туриб Учқун, Неъмат, Хуршед, Заур исмли танишлари ёрдам беришди ва машиналарни юртимизга жўнатиладилар. Қозоғистондан 5 та "Газел" автомашинасини кўтиб олган Ш.Ражабов 4 тасини ўз номига, 1 донасини эса таниши Амин Жумаев номига расмийлаштиради. Бироқ божхона тўловлари ва бошқа ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши лозим бўлганлиги сабабли бу автомашиналар эгаларига етиб бормади. "Газел" келишини кутавериб тоқати тоқ бўлган

хариддорларга эса турли баҳораналар топишдан чарчамайди. Ушбу ҳолат эса пуллари тўлаб қўйган автомашина эгаларининг норозилигига сабаб бўлади.

Тергов жараёнида Ш.Ражабов ваъдаларни "қуюқ" қилиб, фуқаро Намоз Тўлқиновдан (жабрланувчиларнинг исм-фамилияси ўзгартирилган) ҳамда унинг Россияда ишлаётган акалари Низом ҳамда Ғулмондан 60 миң АҚШ доллари, яна бир фуқаро Шоҳназар Хайдаровдан 13 миң АҚШ доллари ва Оқил Мирзаевдан 45 миллион сўм миқдордаги пуллари олганлиги маълум бўлди.

Ноқонуний иш қонун олдидаги жавобгарликни келтириб чиқаришни ўйламаган "қорчалон" қилмишлари учун суд олдида жавоб беришига тўғри келди.

Жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг ҳукми билан Шавкат Ражабовга 4 йил-у 2 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



Ҳавога учган ёқилғи

Дилшодбек ПАРПИЕВ,
Асака туман прокурорининг
ўринбосари

Қамбарали Сайфидинов Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилати Асака туман кенгаши тасарруфидаги ўқув спорт-техника мактаби клуби раҳбари лавозимида ишлаб келарди. Ўзгаларга ҳалоллик билан намуна бўлиши керак бўлган бу шахс текин бойлик орттириш илминига тушди. У ана шу мақсадга ўзи раҳбарлик қилиб келаётган муассаса тасарруфидаги жами 3 миллион 586 миң сўмлик бензинни талон-торож қилиш йўли билан ўзлаштирди.

Албатта, Қамбарали бу жиноятларнинг изини ёпиши керак эди. Шунинг учун у бир ҳийла ўйлаб топди. Клуб раҳбари тасарруф қилинган 2773 литр ёқилғининг гўёки мақсадли сарфланганини амалда кўрсатишга уринади. У бир неча махсус йўл варақаларига сохта ёзувлар киритиб, қалбакилаштириб чиқди. "Ана, бўлди, қаловини топсанг, қор ҳам

ёнади!", ўйлади ўзича. Аммо қор ёққандан кейин ҳам босилган излар қолишини ўйлаб кўрмаган эди.

Шунингдек, Қ.Сайфидинов ўз тасарруфидаги бир неча компьютер, мебел ва бошқа жиҳозларни, оҳақ ҳамда қурилиш махсулотларини ҳам сотиб юборди ва пуллари ўз мақсади йўлида сарфлайди. Жамиятга фойда эмас, қарийб ўн миллион сўмлик зарар келтирган Қамбарали шу билан чекланмайди.

Спорт-техника мактабида текшириш ўтказилганда у 34 миллион 505 миң сўмлик мажбурий солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлагани ҳам аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Асака туман суди ушбу ҳолатни кўриб чиқиб, ҳукм ўқиди. Унга қўра, Қамбарали Сайфидинов 1 йил мобайнида моддий жавобгарлиги бор бўлган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадида ушлаб қолинган ҳолда, 2 йиллик ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

Устувор вазифа

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун барча инқониятлар яратилган. Уларнинг маънавий камолотига катта эътибор қаратилаётгани келажакда маънавиятни ва маърифатни, ажодларга муносиб ворислар бўлишига замин ҳозирлайди. Чунки инсон қадрини билиш, миллий ва умминсоний қадрият моҳиятини англаб етиш, эркин ва озод жамиятда яшаш маънавиятни инсонларга ҳос фазилатлар.

1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борада муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур қонун юртимиз ёшларининг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан юксак даражада камол топишига қаратилган давлатнинг муҳим йўналишларини белгилаб берди.

Юртимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эса ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзга чиқариш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, ёшларимизнинг тарбиясида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг бандлигини таъминлашда бир қатор амалий ишлар қилинди. "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қатор қонун ва дастурларнинг қабул қилиниши ўзининг ижобий натижаларини бераётганини кузатиш мумкин. Шунингдек, мамлакатимизда ҳар бир йилга алоҳида ном берилишида ҳам ёшлар масаласи устувор масалалардан бири эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Норин туманида 8 та қишлоқ ва 57 та маҳалла фуқаролар йиғинини мавжуд бўлиб, уларда 150 минг 900 нафар аҳоли истиқомат қила-

ди. Шундан 44 минг 969 нафари, яъни 30 фоизи вояга етмаганлардир. Шунингдек, тумандаги 44 та умумтаълим мактабида 19 минг 727 нафар, 45 та мактабгача таълим муассасасида 3889 нафар болалар таълим-тарбия олишмоқда. 4 та мактабдан ташқари ташкил этилган таълим муассасаларида спорт ва бошқа турли тўғарақларга 2900 нафар ёшлар жалб этилган.

Туманда 8 та ўрта махсус касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар мавжуд бўлиб, уларда 6261 нафар, 1 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 228 нафар ўқувчи таҳсил олади.

Туман прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш борасида тизимли назорат ўрнатилган.

Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги "Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат-таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича тумандаги касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида текшириш ўтказилганда, тумандаги қурилиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат ва компьютер технологиялари, Норинкапа иқтисодининг тарбиясида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг бандлигини таъминлашда бир қатор амалий ишлар қилинди. "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қатор қонун ва дастурларнинг қабул қилиниши ўзининг ижобий натижаларини бераётганини кузатиш мумкин. Шунингдек, мамлакатимизда ҳар бир йилга алоҳида ном берилишида ҳам ёшлар масаласи устувор масалалардан бири эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Норин туманида 8 та қишлоқ ва 57 та маҳалла фуқаролар йиғинини мавжуд бўлиб, уларда 150 минг 900 нафар аҳоли истиқомат қила-

флотларига жалб этиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Ота-оналар, маҳалла ҳамда профилактика инспектори билан ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилмаган.

Дарсларни ўқлаштириши қийин бўлган ўқувчилар тўғрисида таҳлиллар олиб борилмаган ва уларга тажрибали ўқитувчилар бириктирилмаган. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган фан ва спорт тўғарақлари фаолияти ҳам талаб даражасида эмас.

Ўтказилган текшириш якунига қўра, тумандаги касб-хунар коллежи директорлари ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими (ХТМФМТ ва ТЭ) бўлими мудири номига қонун бузилиши ҳолатлари ҳамда бунга инқоният яратиб бераётган шарт-шароитларни бар-тароф этиш юзасидан 5 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 228 нафар ўқувчи таҳсил олади.

Бундан ташқари, тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолияти ўрганилганда ҳам бир қатор камчиликлар аниқланиб, уларни бар-тароф этиш чоралари кўрилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туман прокуратураси ташаббуси билан туман ҳокимлиги, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан бирликлда тумандаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида "Ёш маънавият тарғиботчилари" гуруҳлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, "Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар" мавзусида ўқув-амалий семинар ҳам ташкил-лаштирилди.

Баҳромжон ЮЛДАШЕВ,
Норин туман прокурори

Тадбирда тумандаги таълим муассасаларида "Ёш маънавият тарғиботчилари" гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятини ривожлантириш, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда психологнинг иш фаолиятида учраётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш амиллари, таълим муассасаларида Президент асарларини ўрганишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юри-тилиши, касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчилар давоматларини йўлга қўйиш, эрта никоҳ, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тўпланган тажрибалар омма-лаштирилди.

Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган иштирокчилар дастлаб 44-умумтаълим мактабида ташкил этилган "Ёш маънавият тарғиботчилари" гуруҳи фаолияти билан ақин-дан танишди. Мазкур гуруҳ 20 нафар аълочи, фаол, ташаббускор ўқувчилардан ташкил топган бўлиб, улар бево-сита мактабда ўтказилган тадбирларнинг доимий ташкил-лотчиси, маънавият тарғиботчиси сифатида иш олиб борадилар. Тарғиботчилар зиммасига юртимиз ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, муҳим ахборотлардан ўқувчиларни мунтазам равишда хабардор қилиш, дарсга келмайдиган, тарбияси оғир тенг-дошларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиш каби масъулиятли вазифалар юклатилган.

Мактабнинг узоқ йиллик тарихини ўзида акс эттирган музей ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Унда мазкур таълим даргоҳида таълим олиб, эл-юрт равнақида ҳисса қўшаётган собиқ ўқувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи кўргазмалар стендлар ташкил этилган.

Қувонарлиси, туманда бошланган мазкур тажриба барча умумтаълим мактаблари миқ-ёсида катта қизиқиб билан қўшиб олинди. "Ёш маънавият тарғиботчилари" гуруҳи аъло-лари жараёнда фаол иштирок

этишмоқда. Ўқувчилар дав-оматининг яхшилланиши, сиё-сий-ҳуқуқий билимларининг ошиши таъминланмоқда.

Семинар мобайнида Норинкапа қишлоғидаги 40-умумтаълим мактабида маъна-вий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ва пси-холог фаолияти ҳам ўрганил-ди.

Мактабда маънавият тарғи-ботчиларининг меъёрий ҳуж-жатлари талаб даражасида. Таълим масканида маънавий масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини мактаб ўқувчиларининг бирорта ҳу-қуқбузарлик ёки жиноят со-дир этмаганидан ҳам билса бўлади.

Мактаб психологининг зим-масидаги масъулият жуда кат-та. У ҳар бир боланинг қоби-лятини, иқтидорини, интилиш-ларини ҳис қила олиши шарт. Мактаб психологи Доноҳон Саломованинг тажрибаси ҳам тадбирда алоҳида эътироф этилди.

Тошкани маҳалласидаги 34-умумтаълим мактабида Пре-зидент асарларини ўрганиш-га доир тажрибалар билан та-нишилди. Мактаб ўқувчилари "Юксак маънавият — энгил-мас куч", "Она юртимиз бах-ту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли асар-ларидан иқтибослар келти-риб, шарҳладилар, буюк сий-молар тимсоли саҳна кўри-нишлари орқали ўқувчилар томонидан маҳорат билан ижро этилди.

Норин қурилиш ва сервис касб-хунар коллежида ишти-рокчиларга ўқувчилар дав-оматини яхшилаш, эрта никоҳ, жиноятчилик ва ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш борасида қилинган ишлар юзасидан ахборот берилди. Эътироф этиш жоизки, кол-леж ўқувчилари тадбиркор-лик фаолияти билан шуғул-ланишни ҳам бошлаб юбо-ришган. Бугун коллежнинг ўзида қурилиш учун керакли айрим хомашлар ва тиву-в-трикотаж маҳсулотлари иш-лаб чиқарилмоқда. Келгуси-да мазкур фаолият кенгайти-рилиб, ишлаб чиқариш кор-хонаси ташкил этиш учун сай-ҳаракатлар қилинмоқда.

Туман "Ёшлар маркази"да ташкил этилган якуний йиғи-лишда сўзга чиққанлар ўқув-чи-ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни ривож-лантириш, соғлом муҳитни шакллантириш борасида ту-манда амалга оширилаётган ишлар юзасидан маъруза қилишди.

Тадбир

Огоҳлик — давр талаби

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Жорий йилнинг 26 май кунини Бош прокуратурада "Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда суд-ҳуқуқ органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик самараси

Алишер ҲИДОЯТУЛЛАЕВ,

Бош прокуратуранинг ОУК кафедраси бошлиғи в.б.

Тадбирда Бош прокуратура, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати давомида жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун ва моҳиятини аҳолига етказиш, шунингдек фуқароларни қонунга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда вояга етаётган ёш авлодда ватанга бўлган садоқат ва фахр-ифтихор туйғусини шакллантириш бўйича олиб бори-

лаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, анжуманда аҳолининг кенг қатламлари билан суд-ҳуқуқ органлари вакиллари, адвокатлар ва ҳуқуқшунос олимларнинг учрашувларини ташкил этиш, ҳуқуқий адабиётларнинг оммабоплигини таъминлаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий фаол бўлишига қўмақ бериш алоҳида қайд этилди.

Тадбир якунида аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини оширишда суд-ҳуқуқ органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада оширишга ҳамда мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга ҳамда амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқаришга доир тақлиф ва тавсиялар берилди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти анжуманлар за-лида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ҳамкорли-гида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти", "Жангари экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар аҳоли, хусусан, тала-ба-ёшларни салбий ҳодисалар таъсиридан сақлашда уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, соғ-лом диний маърифатни ошириш, умумий дунёқарабини ўсти-риш, энг асосийси, бузғунчи ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом ва барка-мол авлодни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Оналик ва болалик ҳимояси келажак ҳимоясидир

"Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб беанини маҳкам боғлаб майдонга қўраётган, азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши керак."

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий савдатдир" номли китобида қайд этилган юқоридаги фикрларни бежиз тилга олмадик. Боиси, тили ҳам, сўзи ҳам, иши ҳам бир халқимиз истиқлолнинг илк йиллариданоқ келажакимиз эгалари бўлмиш ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Чиндан ҳам, юртимизда оналар ҳамда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, Конституциямизнинг 65-моддасида "Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади", деб белгилаб қўйилган. Бугун чин маънода мазкур қоида ишларимизда ўз амалий ифодасини топмоқда.

Дарҳақиқат, "Соғлом она — соғлом бола" тамойили асосида моҳияти ва аҳамиятига кўра бемисл ўзгаришлар рўбига чиқарилаётган. Бу эса, умр мазмунини, орзу-ниятларини биринчи галда оила, фарзандлар қамоли билан боғлайдиган халқимизнинг юрт раънақига дахлдорлик, эртанги кунга ишонч ҳисси юксалишига туртки берапти. "Соғлом она ва бола йили" да ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган улугвор ишлар салмоғи тобора ортаётгани янада қувонарлидир.

2016 йил 9 февралда қабул қилинган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳам

"Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади", деган эзгу гоёни ўзида муқаммас этгани билан аҳамиятлidir.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳудудий дастур ишлаб чиқилди. Ўз навбатида, Наманган вилоят прокуратураси томонидан ҳам "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонун ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳудудий дастурга киритилган тadbирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилган, шунингдек, мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислари билан бажарилиши лозим бўлган вазифалар келишиб олинган.

Чунончи, ушбу савий-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, давлат дастури ижроси бўйича вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда туғилган ёшдаги аёллар ҳамда болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиши сифатини янада яхшилаш, оналар ва гўдаклар ўлимнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур дастур асосида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" широи остида уюштирилган тиббий-ижтимоий акцияда мамлакатимиз етакчи тиббиёт марказлари мутахассислари фертил ёшидаги

аёллар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказдилар. Касаллик аниқланган беморларга зарур маслаҳатлар, даволаниш учун йўланмалар берилди. Бундан ташқари, март ойида ташкил этилган "Патронаж ойлиги" ҳар томонлама самарали бўлди. Даволаш-профилактика муассасаларининг тажрибали шифокорлари хонадонларга бориб, аҳолининг барча қатлами вакилларини, биринчи навбатда, оналар ва болаларни тиббий кўриққа қамраб олишди. Текширув пайтида аниқланган хасталикларни ўз вақтида даволаш чоралари кўрилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур дастур асосида вилоятдаги 83 та умумтаълим мактабида, 31 та касб-хунар коллежида, 149 та маҳаллада 12 йиллик таълимнинг мажбурийлиги, шунингдек, ёшларимиз, айниқса, қизларимиз келгусида фаровон яшаш учун ўқиши, касб-хунарли бўлиши учун қизлар орасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга қаратилган учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, жорий йилнинг 3 ойида вилоятда 3163 та никоҳ қайд этилган бўлиб, 5508 нафар никоҳланувчилар тиббий кўриқдан ўтказилди. Хасталик аниқланган никоҳланувчилар назоратга олиниб, соғломлаштирилди.

Аҳолида репродуктив саломатлик борасидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш орқали оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш мумкин. Фуқароларимизга ўғил-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг, юқоридаги каби ёшларни тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтказишнинг аҳамиятини тушунира оласак, оналар ва болалар ўлими, чақалоқларнинг нуқсон ва ирсий

касалликлар билан туғилиши ҳамда эрта турмуш қуришнинг олдини олган бўламиз. Зеро, ижтимоий ҳаётдаги айрим муаммолар кўп ҳолларда одамларнинг тиббий маданияти етарли бўлмагани учун ҳам юзага келяпти.

Шу боис, вилоят прокуратураси ташаббуси билан йил бошидан бери репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик, болалар орасида касалликлар профилактикаси бўйича тайёрланган 11 мингдан ортиқ буклет аҳолига тарқатилди. Шу билан бирга, фуқаролар ўртасида ОИБ касаллиги, қариндошлар орасидаги никоҳ, нуқсонли чақалоқлар туғилишининг олдини олиш мавзусида видеоролик тайёрланиб, маҳалла ва таълим муассасаларида ўтказилаётган тadbирларда намойиш этилмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурига асосан жорий йилнинг ўтган даврида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ташкил этилди. Бу ишга республика ва вилоятимизнинг етакчи мутахассислари жалб этилиб, 5132 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. Бу борада умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг тиббий кўриқига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кези келганда айтиш жоизки, вилоятдаги тиббиёт муассасалар томонидан фуқароларнинг, айниқса, аёллар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш чоралари кўрилган, кадрлар салоҳиятини оширишга жиддий эътибор қаратилган бўлса-да, тиббиёт ходимлари ўртасида хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараш ҳолатлари ҳам уч-

Бахтиёр ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Наманган вилоят прокуратурининг ўринбосари

раб турибди.

Назорат тadbирлари давомида айрим тиббиёт муассасалари мансабдорлари бюджет маблағларини талон-торож қилгани ҳам маълум бўлди. Жумладан, вилоят патанатомия бюросида ўтказилган текширишда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига зид равишда 2014 йилнинг январь-декабрь ойларига 3 нафар ходимга 0,25 ставка қўшиб берилгани аниқланган. Бундан ташқари, 4 нафар ходимга бажармаган иши учун 1,9 миллион сўм ҳақ тўланган. Бунинг натижасида бюджетга 7,5 миллион сўм зарар етказилган. Шунингдек, бюрого қарашли бўш турган бино фуқаро Р.Арифбоевга ҳеч қандай шартномасиз ижарага бериб юборилган. Ижара пули эса раҳбар-ҳодимларнинг шахсий манфаати йўлида ўзлаштирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят патанатомия бюроси бошлиғи А. Назаров ва бош ҳисобчи А.Хайдаровга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Соғлиқни сақлаш тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қилинган ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Зеро, фуқароларимизнинг, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири экан, бу соҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, юрдошларимизнинг бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бундан кейин ҳам фаолиятимизнинг мучими йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Уларни қўллаб-қувватлаш керак

Бугун мамлакатимизда тadbиркорлар учун қанчалар кенг имкониятлар яратиб берилганини биз — ўрта ва катта авлод вакиллари яхши биламиз. Унинг самарасини эса юртимизнинг исталган шаҳар ва қишлоқларида, турли маҳсулотларга тўла дўконлар-у тўкин-сочин бозорларда кўрамыз. Қувонарлиси, бу маҳсулотларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилади.

Юртимизда бугун барча соҳалар қатори тadbиркорликнинг ҳам жадал ривожланаётгани, давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳеч шубҳасиз истиқлол шарофатидандир. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, тadbиркорликнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидаларига бор. Уларга риоя қилган тadbиркор фақат ютади. Қонунни бузганлар эса қилмишига яраша жазосини олади.

Прокуратура органлари томонидан тadbиркорлар ҳимоясини таъминлашга қаратилган савий-ҳаракатлар соҳада ижобий ўзгаришлар юзага келишида муҳим омил бўлиб хизмат қилимоқда. Айниқса, тadbиркорларнинг ҳар қандай тўсиқларсиз фаолият олиб боришлари масаласига алоҳида эътибор

қаратилиб, соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш билан бирга, айрим қўштирноқ ичидаги тadbиркорларнинг фаолиятига қонуний тус бериш каби ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Шуманай туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги ҳамда назорат органларининг тadbиркорликка доир ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш жараёнида қонунга зид бўлган баъзи ҳолатлар аниқланди. Хусусан, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Турсинов тadbиркорликка доир қонун талабларига зид равишда туман ҳудудида фаолият олиб бораётган "А.Карамаддинова" масъулияти чекланган жамиятини, "Б.Маҳмудов", "К.Юсупов", "Т.Бауенов", "Ийшан қалъа", "Шаҳноза" ва бошқа бир қатор фермер ҳўжаликларини туман ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳисобидаги ёлғиз қарияларга ҳомий этиб тайинлаган ва уларга турли вазифалар юклаган. Мазкур ҳолат юзасидан С.Турсиновга нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Тўғри, тadbиркорлик осон иш эмас.

Бу ишни амалга оширмоқчи бўлган шахс фаолиятининг дастлабки кунларида қийинчиликларга дуч келиши, ҳуқуқий ёки амалий ёрдамга муҳтожлик сезиши мумкин. Масалан, фуқаро А.Абдикайров туман прокуратурасига мурожаат қилиб, уй-рўзгор анжумлари савдоси билан шуғулланиб юрганида туман ДСИ ходимлари унга тегишли бўлган маҳсулотларни ашёвий далил сифатида олиб қўйишгани учун уларни қайтариб олишда амалий ёрдам сўраган. Аниқланишича, А.Абдикайровга тегишли жами 1 млн. 978 минг сўмлик маҳсулотлар унинг тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан савдо фаолиятини амалга ошириб юрганига боис олиб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, МЖТК талабларидан келиб чиққан ҳолда фуқаро А.Абдикайровнинг туман ҳокимлиги ҳузурдаги "Ягона дарча" маркази томонидан яқка тартибдаги тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтказилиши таъминланди ва у суд томонидан молиявий жаримадан озод қилинди. Туман ДСИ томонидан ашёвий далил сифатида олинган маҳсулотлар эгасига қайтарилди.

Ислам АРЗИЕВ,
Шуманай туман прокурори

Тумандаги "О.Коккозов" ОФЙда яшовчи фуқаро А.Ореева эса коллежни 2015 йилда тамомлаб, яқка тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтган, аралаш моллар савдоси билан шуғулланиш учун 9 фойзли кредит оlish учун банкка ҳужжат топширган, бироқ банк бошқарувчиси ҳужжатларда камчилик мавжудлиги боис, унга сўралган фойзли маблағни эмас, балки 12 фойзли кредит ажратмоқчи бўлган. Бундан А.Ореева норози бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилган. Мазкур ҳолат юзасидан Шуманай туман прокуратураси текшириш ишлари олиб борди. Яқка тартибдаги тadbиркорга 6 млн. 500 минг сўм миқдорда кредит ажратилиши таъминланиб, мурожаат тўлиқ қаноатлантирилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, қонунга итлоқор одам бошини доимо баланд кўтариб юради. Қонунбузар эса ҳамisha ҳадиқ билан яшайди.

Тараққиётнинг муҳим омили

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида қонунларнинг бажарилиши юзасидан ҳокимият, давлат бошқаруви ва ижро органларининг масъулияти оширилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ҳуқуқий мақомлари кенгайтирилди, уларнинг алоҳида ва биргаликдаги ваколатларини янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Парламент томонидан жаҳон тажрибалари асосида ўзи қабул қилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашнинг замонавий шакллари жорий этилмоқда.

Конун ижодкорлиги йўли билан халқ вакилларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги назорат функцияларини кенгайтирилмоқда. Ана шу жараёнда миллий қонунчилигимизга биринчи марта "парламент назорати" тушунчаси кириб келди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида парламент назорати институтини конституциявий тарзда мустаҳкамлашга, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функцияларини янада кенгайтириш ҳамда кучайтиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ҳужжатларини ижро этилиши учун жавобгарлигини оширишга қаратилган тузатишлар киритилди.

Парламент назорати институтини ривожлантириш ва унинг самарали ишлашига эришиш мамлакатда нафақат конституциявий ислохотларнинг, айни пайтда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳам сифатли ижросини таъминлаш имконини бериши шубҳасиздир. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, шундай деган эдилар: "Конституциявий ислохотлар нуктаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолият сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим".

Зеро, ана шу юксак мақсадлар доирасида жорий йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Янги қонуннинг қабул қилиниши парламентнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини янада кенгайтиради, қонунларнинг самарали ишлатилиши таъминлайди, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур қонунни тайёрлаш жараёнида жаҳондаги ривожланган демократик давлатларнинг бу соҳадаги тажрибалари чуқур ўрганиб чиқилди.

Янги қонуннинг асосий мақсади Конституция ва қонунлар талабларининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона ва бир тизимга солинган қонунчилик базасини яратиш, муҳим давлат дастур-

ларининг самарали амалга оширилиши юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг жавобгарлиги ва масъулиятини янада кучайтиришдан иборатдир. Шу мақсадда қонунда парламент назорати субъектлари ва объектлари, унинг шакллари аниқ белгилаб берилди, парламент назорати натижалари бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тартибга солинди.

Қонунда парламент назорати шакллари ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Қонуннинг 5-моддасига кўра мамлакат Давлат бюджети, солиқ ва бюджет сибсатининг асосий йўналишларини қабул қилиш, Давлат бюджети ижро этилишини кўриб чиқиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботини, ҳукумат аъзоларининг ахборотини, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор, Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк ҳисоботларини эшитиш назарда тутилган. Парламент сўрови, депутат ва сенатор сўрови, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш, қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингнинг амалга ошириш, парламент текшируви каби миллий қонунчилигимизда ҳали янги бўлган парламент назорати шакллари қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунда парламент назорати шакллари улар бири алоҳида-алоҳида моддаларда баён этилди. Уларда парламент назоратини амалга ошириш тартиблари ва унинг натижалари юзасидан белгиланадиган чора-тадбирлар аниқ кўрсатилган. Масалан, 10-моддага асосан Қонунчилик палатаси, Сенат мажлислари ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш ҳуқуқига эга. Мазкур масала Қонунчилик палатаси томонидан фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг ташаббусига кўра, Сенат томонидан эса қўмиталарнинг ташаббуси билан кўриб чиқилади. Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятлари юзасидан ахборотларини эшитиш тўғрисида Қонунчилик палатаси ва Сенат қарор қабул қилади ва бу қарор Вазирлар Маҳкамасига олдиндан юборилади. Худди шунингдек, ҳукумат аъзоларининг ахборотларини эшитиш яқунлари бўйича ҳам ҳар икки палата томонидан



қарор қабул қилинади. Қарорда ҳукумат аъзоларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар бўлиши, уларнинг фаолиятига баҳо берилиши мумкин. Яқуний қарор Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Парламент назоратининг энг муҳим шаклларида бири парламент сўровидир. Қонунчилик палатаси, Сенат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига қирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки нуктаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли. Парламент сўровини юбориш тўғрисидаги тақлиф Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қўмиталар, фракциялар, депутатлар гуруҳлари томонидан, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидан бешдан бир қисми томонидан, Сенат кўриб чиқиши учун эса, қўмиталар томонидан, шунингдек Сенат аъзолари умумий сонининг камидан бешдан бир қисми томонидан киритилади. Парламент сўровига оғзаки жавоблар палаталар белгилаган муддатда, ёзма жавоблар эса сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юборилиши зарур. Қонунда белгилашничи, ёзма жавоблар Қонунчилик палатаси, Сенатнинг мажлисида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Бунга жавобнинг нусхалари депутатларга ва сенаторларга танишиш учун жўнатилади.

Мазкур қонун билан парламент текширувини ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий мақоми ҳам белгилаб берилди. Қонуннинг 18-моддасига кўра, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текшируви ўтказиладиган мумкин. Бунинг учун Қонунчилик палатаси ва Сенат депутатлар ва сенаторлардан иборат таркибда комиссия тузилади. Комиссия парламент текширувини ўтказишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вакиллари,

мутахассислар, экспертлар ва олимларни комиссия ишига жалб қилишга, тегишли органлар, ташкилотлар ва фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олишга, мансабдор шахсларни ёки фуқароларни ўрганилаётган масала юзасидан тушунтириш беришга тақлиф қилишга ҳақлидир. Комиссия бажарилган иш тўғрисида Олий Мажлис палаталари томонидан белгиланган муддатда уларни хабардор қилади.

Қонун ҳужжатларининг ижро ҳолатини, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингнинг амалга ошириш парламент назоратининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Чунки бу ҳолат қонунларни қабул қилишда фуқароларнинг ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш, қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг самарали ишлатилиши таъминлаш имконини яратади. Шу билан биргаликда, қонунлар тарғиботини ташкил этишга, аҳолининг ҳуқуқий тафаккури ва маданияти даражасини оширишга ёрдам беради.

Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталари палаталар қабул қилган қарорларнинг ижро ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш жараёнида, шубҳасиз, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, ташкилотларда бўладилар, мансабдор шахслар, фуқаролар билан учрашадилар, ҳужжатлар ва экспорт хулосалари билан қизиқадилар. Ана шу жараённинг ўзидек депутатлар, сенаторлар билан аҳоли ўртасидаги маъсофани қисқартиради, мансабдор шахсларнинг, жумладан фуқароларнинг ҳам қонунларга итоат этиш ҳолати юзасидан масъулияти ва жавобгарлигини оширади.

Маълумки, Конституциямизда прокуратура органларининг Олий Мажлис Сенати олдидаги ҳисобдорлиги белгилаб қўйилган. Янги қонунда ана шу конституциявий қонуннинг амалий механизми янада ривожлантирилди ва парламентнинг бу соҳадаги ваколатлари кенгайтирилди. Жумладан, янги қонуннинг 19-моддасига кўра, прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъмин-

Хабибулла ТУРГУНОВ,
Жизза вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

лаш бўйича улар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилиши белгиланган. Комиссиянинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан тасдиқланади. Шубҳасиз, парламент комиссиясининг ташкил этилиши аввало, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга кўтариш имконини беради. Прокуратура органларининг юртимизда қонун устуворлиги ва қонунийлигини таъминлаш, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини янада кучайтиради.

Парламент назорат функциясининг шафқофлиги, очиқлиги, демократик принципларга асосланганлиги унинг натижалари ва яқунлари билан ишлаш механизмининг сифатига бевосита боғлиқдир. Шу боис қонунда назорат натижаларининг самарадорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатида алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига қонун ҳужжатларининг, давлат дастурларининг ижроси, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларининг изчил амалга оширилишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш юзасидан тақлифлар ва тавсиялар киритиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўришни тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларидан талаб қилишлари, айбдорларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимидан озод этиш тўғрисида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига тақлифлар киритиши мумкин.

"Парламент назорати тўғрисида"ги Қонун мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, очиқ демократик ҳуқуқий давлат куриш, ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назорати самарадорлигини кучайтириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. Парламентнинг давлат олий вакиллик органи сифатидаги мақоми янада кучайтириш билан бирга парламент аъзоларининг мамлакатнинг истиқболи ва эртаси, халқ фаровонлиги йўлидаги масъулиятини оширади.

«Устамон» уста

Хонадонларимизни бугун газ ва электрсиз тасаввур этиш қийин. Улар алақачон биринчи даражаи истеъмол воситаси бўлгани ҳолда, шунга яраша талаб ва эҳтиёж манбаилар. Демак, бу икки соҳада фаолият юритувчи шахслар ўта масъулиятли ва албатта ҳалол бўлмоғи зарур.

Эркин Комилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Сергели туман электр тармоқлари корхонасида уста бўлиб ишларди. Аслида хизмат тақозоси бўйича қаралганда, унинг фаолияти умуман бошқа бўлсада, лекин у қонунларимизни четга суриб, нафс билан "тил топишди" ва бўйиқ даромад ишлаши мақсад қилди.

— Электр тармоғи корхонасидаман. Электрдан бўлган қарздорлигингиз ҳақида билдириб қўй, деб келдим, — дея гап бошлаган йигитни уй эгаси мулозамат билан қаршилади. Чунки қарз ёмон, қолаверса, электр давлат мул-

ки, уни ишлатганлик учун ҳақ тўлашдан бош тортиш қонун бўйича жавобгарлиқни келтириб чиқаради.

— Шунанам, қарзимиз бор эканми?

— Бор экан ҳам гапми, опа! Нақд 2 млн. 750 минг сўм-а?! Тезда тўламасангиз, судга оширамиз.

Бу гап уй эгаси Сабина Ортиқованинг "капалагини учириб юборди". Аранг "йўғ-е", дея олди, холос.

Унинг дилидагини "меҳмон" дарров уқиб олди.

— Бунинг ечими бор, опа. Фақат иси чикмаслиги керак.

— Ие, мени ким деб ўйлаясиз? Менга ёрдам берасиз-у,

Бахтиёр НОРМУМИНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Сергели туман бўлими бошлиғи

сизларни фош қиламанми?

— Унда эшитинг. Атиги 1 млн. 100 минг сўм эвазига ишингиз ҳал бўлади, компьютердан қарзингизни ўчиртириб ташлайман. Фақат пулни тез етказасиз...

Аммо қўзанинг қунда эмас, кунда синиши исбот талаб этмас ҳақиқат. Шу маънода, Э.Комилов қонун ҳимоячилари эътиборига тушди. Уй эгасидан 600 минг сўм пулни олган вақтда СВОЖЖДЛҚК департаментининг Сергели туман бўлими ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди.

У суд томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбдор, деб топилиб, тегишли жазога тортилди.

Гаровдаги автомобиль

Жамията амалга ошириладиган ҳар қандай хатти-ҳаракат, қилинаётган ишлар амалдаги қонунларда белгиланган талаблар доирасидан чиқмасда, қўзланган мақсадга тезроқ эришилади. Бойси, қонун — ҳаёт мезони. Бироқ, беш бармоқ баробар бўлмаганидек, айрим ҳолларда баъзи инсонлар, корхона ва ташкилотлар мутасаддилари томонидан ҳам қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Паркент туман ҳокимлигидан рўйхатдан ўтиб, "Нур транс" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилган Илхом Жумановнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ишлари кўнглидагидек эди. Бироқ у фирибгарликни ўзига касб қилди-ю, қоқилди. 2014 йилда МЧЖга "Cobalt" автомашинаси харид қилган И.Жуманов орадан маълум вақт ўтгач, ушбу автомобилни фермер Маъмур Эргашев-

Аброр САЛИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Паркент туман бўлими суриштирувчиси

га сотадиган бўлди. У фермернинг ишончига қиради ва фирибгарлик йўли билан алдаб, автомашинани учун ундан 59 млн. 400 минг сўм пулни аввалдан олади. Маблағни қўлга киритгач эса ваъдасини тезда унутди. Орадан сал кам бир йил вақт ўтса-да, И.Жуманов автомашинани М.Эргашевга бермайдди.

Кутавериб унинг ёлгонларидан безган фермер бу ҳақда ариза билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади. Мазкур ҳолат бўйича ўтказилган суриштирув жараёнида И.Жумановнинг қилмишлари фош этилди. Аслида ушбу машина МЧЖга олинган кредит учун гаровда эканлиги, уни сотиш учун таққ қўйилганлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолатни атрофлича қўриб чиққан суд И.Жумановга нисбатан тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Сохта мутахассис

Латофат Исроилова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир неча йиллардан буён хасталик билан оғриб, 2010 йилдан ногиронлик нафақаси олар эди.

Авазбек РАҲМОНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Косонсой туман бўлими бошлиғи

Онаҳон нафақа тайинлаш мuddати тугаб бораётгани учун жиани Мансур Иззатуллаевни уйига чақирди:

— Жиян, биласан, яримжон бўлиб қолганман. Эртага вақт ажратиб, мени тиббий қўриқдан ўтказиб келсанг, савобга қолардинг...

Аммасининг ўтинч билан термулиб турганини кўрган Мансур рози бўлди.

У эртаси куни Косонсой тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси биносига кириб келди. Кимларгадир учрашди, бироқ иши битмади. Кейинги куни ҳам аввалига кимга учрашиш кераклигини билолмай турган пайтда, 35-40 ёшлар атрофидаги киши унга яқинлашиб, салом берди ва ташрифи сабабини сўради.

— Амманнинг ногиронлик мuddатларини узайтириш керак эди, шунга, — тутилиб жавоб қайтарди Мансур суҳбатдошининг ким эканини англолмай турар экан.

— Шундай денг?! Қани, юринг-чи, — суҳбатдоши шундай дея бир хонага бошлаб кириб, Мансурнинг қўлидаги тиббий хулосаларни кўздан кечири бошлади.

— Энди гап бундоқ, —

деди у ниҳоят ҳужжатлардан бошини кўтариб. — Мен шу ерда ишлайман, Мирзохид Абдуллаев бўламан. Биласиз, бунақа ишлар ўзича бўлавермайди. Озроқ "харажат" қилишингизга тўғри келади. Агар 100 АҚШ доллари бермасангиз, ишингиз битмайди.



Кечаги оврагарчиликларнинг "тами" ҳали оғзидан кетмаган Мансурнинг рози бўлишдан бошқа иложи қолмади. Аммо бирданги 100 АҚШ доллари беришга имконияти йўқ эди. Шу бойси, М.Абдуллаевга ялинишга тушди:

— Ака, ҳозир бизда шунча пул йўқ, амманнинг ўғиллари хорижда. Эртага сизга 50 доллар олиб келаман, ҳўп денг. Қолганини иш битгунга қадар топиб бераман...

М.Абдуллаев аввалига бироз таранг қилиб турди. Сўнгра қолган пулни ҳам тез-

латиш шарти билан "рози бўлди".

Аслида бу кимса бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида ҳўжалик мудир вази фасида ишлар, ногиронлик мuddатини узайтириш ва нафақа тайинлаш билан боғлиқ ишларга мутлақо алоқаси йўқ эди. Аммо айрим пайтларда бу даргоҳга ўз муаммолари билан келган фуқаролар унинг "тўри"га илиниб қолишарди. Уларнинг қаторига қўшилган жиян эртаси куни ваъдасининг устидан чиқиб, 50 АҚШ доллари ва 50 минг сўм пулни М.Абдуллаевга олиб келиб берди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, М.Абдуллаев Мансурга кўнги-роқ қилиб, пулнинг қолганини сўрай бошлади. Йигит эса ҳеч имконини қилолмасди. Ниҳоят, бу ишга қонуний ечим топиш мақсадида Бош прокуратура ҳузуриндаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Косонсой туман бўлимига мурожаат этишга мажбур бўлди.

М.Абдуллаев хизмат хонасида М.Иззатуллаевдан 100 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида қўлга олинди.

Суд томонидан М.Абдуллаев жиноий жавобгарликка тортилди.

Юртимизда порахўрликка барҳам бериш ва унинг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириладиган бир пайтда, орамизда бировнинг ҳақидан ҳазар қилмай, пора олиш, пора беришни, ўртада воситачилик қилишни касб қилиб олганлар ҳамон учраб турибди.

Нафс гирдобида

Жумладан, Жарқўргон туманида яшовчи фуқаро (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Х.Шоимов СВОЖЖДЛҚК департаментининг вилоят бошқармаси бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, унда туманининг "Фур-фур" маҳалласида яшовчи фуқаро Ф.Дехқонов жияни М.Ўрозовнинг биометрик паспортига думалоқ муҳр бостириб бериш учун Жарқўргон туман ИИБ ходими Олмос Сераджев билан келишиб, унга бериш учун 150 минг сўм пул талаб қилаётганлигини, шунинг учун унга нисбатан қонуний чора қўришни сўради.

Мазкур аризага асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўтказилган тезкор тадбирда Ф.Дехқонов Жарқўргон туманидаги "Шодлик" ошхонасида 150 минг сўм пулларни Х.Шоимов ҳамда М.Ўрозовлардан олган вақтда ушланди.

Фуқаро Ф.Дехқонов ушбу пулнинг 100 минг сўмини Жарқўргон туман ИИБ ходи-


Шароф ЖУМАЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Қашқадарё вилоят бошқармаси
катта инспектори

ми О.Сераджевга олиб бориб бериши лозимлигини, қолгани ўзининг хизмат ҳақи эканлиги, қилган ишдан пушаймонлигини айтиб, ушбу пулларни унга олиб бориб бериб, жиноятни очишга фаол иштирок этишини билдирди. Унинг аризасига асосан тезкор тадбир давом эттирилиб, Жарқўргон тумани ИИБ биноси олдида О.Сераджев тамагирлик йўли билан Ф.Дехқоновдан 100 минг сўм пул ҳамда М.Ўрозовнинг фуқаролик паспортини олган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан судланувчиларга жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хатодан хулоса чиқармади

Оқтошлик Вафобек Ёқубов иғари ҳам қонуннинг алкоғоли маҳсулотларни сотиш ва қалбаки акция маркасини ўтказиш жиноятини содир этгани учун судланган эди. Бироқ у бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан яна шу иш билан шугуллана бошлади.



Азамат МАМАТУРОДОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Нарпай туман бўлими бошлиғи

Бозорда савдо қилаётган Вафобекнинг ёнига харидор келиб сўради:

— Тўй қилмоқчи эдим, сизни шу иш билан шугулладиди, деб эшитдим. Имкони бўлса, тўйга ароқ тайёрлаб берсангиз.

— Сизга қанча керак ўзи?

— Вафобек мақсадга кўчи.

— 200 дونا бўлса етади.

— Яхши, икки кунда тайёрлаб қўйман, — дея манзилини тушунтирди.

Икки кундан кейин Вафобек харидор йигитга кўнорик

қилди:

— Фарход ака, "заказингиз" тайёр. 4 минг 400 сўмдан ҳисоблаб, пулини олиб келаверинг.

Фарход Вафобекка айтилган пулни тутқазди. Бироқ бу савдо охирига етмади. Вафобек ўз уйда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд томонидан Вафобек Ёқубов 3 йил мuddатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди. Ундан олиб қўйилган ашёвий далиллар эса қонуний тартибда йўқ қилинди.

«Уддабурон»

Қаюм РАҲАБОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қорувулбозор туман бўлими бошлиғи

Қорувулбозор туман сувоқова ишлаб чиқариш корхонасида раҳбарлик қилиб келган Жобир Тўраев ўзини ишнинг қўзғини билалганлардан деб ҳисоблар экан. Аммо қонунбузарлик учун жазо муқаррарлигини кеч англади.

У таниши Фахриддин Исломовдан ўз эҳтиёжларига сарфлаш учун 21 млн. сўм қарз олиб, ишлатиб юборди. Қарзни қайтаришга келганда эса давлатнинг "қозони"дан фойдаланишни афзал қўрди. Корхонага тегишли 2400 метр сув қувурларини қарзи эвазига Ф.Исломовга пуллаб юборди. Аслида ушбу қувурлар корхонага керак бўлмаса, Ж.Тўраев уларни биржа орқали сотиб, пулларни корхона ҳисоб рақамига кириб қилиши керак эди.

Ж.Тўраев нафсига эргашиб, жиноятга қўл урди. Жиноят эса жазосиз қолмайди. Суд унинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда жамиятга жуда катта хавф ва муаммо бўлиб майдонга келган жиноятчилик турларидан бири бу коррупциявий жиноятчиликдир. Коррупция латинча «*corruptio*» сўзидан олинган бўлиб, «сотиб олиш, пора эвазига оғдириб олиш» деган маъноларни англатади.

Ифтихор НУРМАТОВ,

Бош прокуратуранинг ОУК тингловчиси

Коррупция тушунчаси юридик адабиётларда ҳар қайси даврда ҳар хил талқин қилинган. Масалан, ўрта асрларда баъзи Европа олимлари томонидан коррупция давлат амалдорлари томонидан содир этиладиган талончилик дейилган бўлса, бошқаларнинг талқинида эса ўз мулкига хирс қўйган шахсларнинг коррупциялашган давлат юстицияси ёрдамида жазодан қутулиб қолиш орқали қўрқмасдан жиноят содир этишидир, дейилган.

Жамият ривожланиб боргани сари коррупция тушунчасига таъриф бериш ҳам кенгайиб борган. Баъзи манбаларда коррупция ҳокимиятнинг занглаши деб аталган ва занг метални емиргани каби коррупция ҳам давлат аппарати нарбод қилади ва жамиятнинг ахлоқ нормаларига салбий таъсир кўрсатади, деб таърифланган.

Ҳозирги пайтда дунёда кечаётган жараёнларни таҳлил қилиб, коррупцияни шахсий манфаат юзасидан, яъни моддий бойлик орттириш ёки қариндош-уруғчилик ёхуд маҳаллий тарафқашлик, ёйинки бошқа паст ниятларда давлат хизматида бўлган мансабдор шахсларнинг уюшган жиноятчилар билан бирлашиши ёки жиноий уюшма таркибиде фаолият кўрсатишидир, деб таърифлаш мумкин.

Давлат мустақиллигига эришганимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда коррупциявий жиноятчиликка қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, у давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Президентимиз Ислам Каримов "Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида" номли асариде "Жамиятда жиноий "хуфиёна иктисодиёт"нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирга тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар тўғрисида жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан тўғри таҳдиддир", дея таъкидлаган.

Коррупцияга қарши кураш муаммоси бир давлат чегарасидан чиқиб, халқаро муаммога айланиб бўлган. Утган асрнинг 90-йилларидан бошлаб қатор халқаро ташкилотлар, яъни БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Иктисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Бутунжаҳон божхона ташкилоти ва бошқалар томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда коррупциянинг халқаро микёсдаги зарарли таъсири ва оқибатлари, унга қарши кураш олиб боришнинг зарурлиги ҳамда йўллари тўғрисида таъсирлар берилганини кўриш мумкин.

2003 йил 31 октябрда БМТ Бош Ассамблеясининг Коррупцияга қарши Конвенцияси қабул қилинган. Конвенцияда коррупцияга миллий тараққиёт ва халқаро муносабатлар барқарорлигига таҳдид, демократик институтлар ва кадрларнинг қўрувчи иллат сифатида баҳо берилган. Унинг "Коррупцияга қарши кураш чоралари" деб номланган бобиде коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги сиёсат ва амалиёт масалаларида давлатларнинг ёндашуви, коррупция вужудга келиши мумкин бўлган соҳаларда давлат томонидан кўрилуши лозим бўлган чоралар, бунда давлат органларининг вазифалари ва улар фаолиятининг ташкил этилиши тўғрисидаги қоида ва таъсирлар мавжуд.

Ҳозирги пайтда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси халқаро микёсдаги асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади ва 130 дан ортик давлатлар томонидан ратификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июль кунги Қонун асосида ушбу конвенцияга қўшилган. Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар орқали амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиши ишини яхшилаш ҳақида"ги, 1998 йил 19 ноябрдаги "Ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги, 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қискartiриш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тузилмасида ташки иктисодий фаолият соҳасидаги порахўрлик, ўғирликлар ва бошқа суиестеъмолчиликларга қарши кураш бошқармаси ташкил этиш тўғрисида"ги, 1992 йил 6 мартдаги "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида"ги, 1994 йил 11 майдаги "Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, рёкет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларидан химоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари бунга мисолдир.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2012 йил 2 августдаги Фармони мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш доимий ва тизимли равишда олиб борилаётганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар нарсанинг қушандаси бўлгани каби давлат ва жамиятнинг қушандаси бу коррупциядир. Унга қарши кураш нафақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг, балки бутун жамият аъзоларининг вазифасидир.

Ҳар бир давлат хавфсизлиги ва барқарорлигини, ҳудудий яхлитлигини, чегараларининг дахлсизлигини, фуқароларининг тинч ва осойишталигини таъминлашда, шак-шубҳасиз, ўзининг ҳарбий салоҳиятига таянади.

Ҳарбий жиноятлар борасидаги халқаро тажриба

Шукрулло ХАДЖИБАЕВ,

Бош прокуратуранинг ОУК тингловчиси

Маълумки, ҳарбий хизматчи қонун талабларини бузган тақдирда халқаро ва миллий қонунчилик асосида жавобгарликка тортилади. Англо-америка (АҚШ, Буюк Британия) ва Роман-герман (Франция, Германия, Россия) ҳуқуқ тизимларида ушбу муносабатларнинг тартиби ўзига хос тарзда тизимлаштирилган. Мисол учун, ҳозирги кунда АҚШда 1951 йилда қабул қилинган Ҳарбий Адлия Ягона Кодекси (Uniform Code of Military Justice) амал қилмоқда. Буюк Британияда эса 2006 йилда "Қуроли Кучлар тўғрисида"ги Қонун (Armed Forces Act) қабул қилинган бўлиб, Францияда ҳам Ҳарбий Адлия Кодекси (Code de Justice Militaire) 2006 йилда қабул қилинган. Германияда эса 1957 йилдан бери "Ҳарбий жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисида"ги Қонун (Wehrstrafgesetz) амал қилиб келади. Россия Федерациясида эса бу соҳани тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд эмас ва ҳарбий жиноятлар учун жавобгарлик мамлакат Жиноят кодекси билан тартибга солинади.

Юқорида баён қилинган ҳужжатлар, ҳуқуқни қўловчи қоидалар, жиноят субъектлари, жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган қилмишлар, уларни содир этганлик учун давлатнинг таъсир чоралари ва бошқа жараёнларни ўзида жамлаган.

Юқоридаги давлатларда (Россия Федерациясидан ташқари) жиноят содир қилган ҳарбий хизматчиларни жиноий жавобгарликка тортишни тартибга солувчи қонунларнинг мавжудлиги ушбу мамлакатлар қонунчилик тизимидеги ўзига хосликдир. Баён қилинганидек, Россияда бу соҳани тартибга солувчи алоҳида қонун бўлмаса-да, Жиноят кодекси билан тартибга солинади.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигинда ҳарбий жиноят терминининг тушунчасига ягона ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, АҚШнинг Ҳарбий Адлия Ягона Кодексида ҳарбий жиноятлар тушунчасига таъриф берилмаган, кодекснинг 77-моддасида ҳарбий жиноятларнинг субъектлари тушунчаси берилган.

АҚШда бевосита жиноят содир этган шахсдан ташқари, ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишига ёрдам, маслаҳат, буйроқ берган, далолат қилган, яъни "бажарувчи билан умумий жиноий қасдга эга" шахслар ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундан хулоса қилиш мумкинки, АҚШда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноят деганда, ҳарбий қонун билан кўзда тутилган қонунга зид ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Шу билан бирга, кодекснинг 134-моддасида, кодексда кўрсатилмаган ҳолатлар, жумладан, шахс тартибсизликларга йўл қўйса, мунтазам равишда интизомни бузса, ўзининг ҳаракатлари билан Қуроли Кучлар шаънига доғ туширса, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги белгиланган. Бошқа қилиб айтганда, кодекс тизимлаштирилган нормалар билан бир қаторда, қонун аналогиясини қўллашни кўзда туттади.

Буюк Британиянинг "Қуроли Кучлар тўғрисида"ги Қонунининг 42-моддасида "қонун билан жазога сазовор тегишли жиноят" тушунчаси мустаҳкамланган бўлиб, жиноий жазога тортилувчи қилмиш ёки шунга "эквивалент" (монанд) қилмишни кўзда туттади. Бу норма Бирлашган Қиролиқнинг ҳарбий терговчилари ва судга айбдор ҳарбий хизматчини жиноий жавобгарликка тортишда қонун аналогиясини қўллаш ҳуқуқини беради.

Англо-америка ҳуқуқ тизимида ҳарбий жиноятни ўташ тартибига қарши жиноятлар (military crimes or offences)

тушунчаси билан ҳарбий жиноятлар (war crimes) тушунчаси ўртасидаги фарқни тушуниб олиш лозим.

Ҳарбий жиноятлар (war crimes) — бу уруш (ёки қуроли тўқнашувлар), ҳарбий юришлар даврида содир этиладиган, жиноий жазо билан таҳдид қилинадиган ижтимоий хавфли қилмишлардир. Бундай ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар халқаро ҳуқуқ нормалари билан тақиқланади ва тинчлик ҳамда инсониятга қарши жиноятларга тенглаштирилади. Ҳарбий жиноятлар халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларининг жиддий тарзда бузилиши ҳамдир. Ҳуқуқ нормаларининг "жиддий тарзда бузилиши" тушунчаси, жиноятнинг объектив томони аломати сифатида "Денгиздаги Қуроли Кучлар таркибидеги ярадорлар, касаллар, шунингдек кема қалқатига учраган шахсларнинг тақдирини яхшилаш ҳақида"ги 1949 йилги Женева Конвенциясининг 50-51-моддаларида таърифланган. Ярадорларни уруш вақтида ўлдирилганлик учун жавобгарлик даражаси, ўлдирилган ярадорларнинг сонидан келиб чиқиб халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра ҳал қилинади. Хусусан, бир нафар ярадорни ўлдирилганлик учун миллий қонунчилик асосида жавобгарлик белгиланган бўлса, қўлга ярадорларни ўлдирилганлик учун жавобгарлик ҳам миллий, ҳам халқаро нормалар асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тушунчаси, ҳарбий жиноятларга қараганда кенгрок доирадаги ижтимоий хавфли қилмишларни ўзида акс эттиради ва нафақат халқаро ҳуқуқ нормалари, балки миллий ҳуқуқ нормаларининг ҳам бузилишини белгилайди.

Англо-америка ҳуқуқ тизимида ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар деганда, ҳарбий хизматчиларни жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилган тегишли қонунни бузувчи, шунингдек меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган Қуроли Кучларга муайян хавф тўғрисида, жиноий жазо таҳдиди мавжуд ижтимоий хавфли қилмиш тушунилади.

Франциянинг Ҳарбий Адлия Кодексининг 311-моддасида, агарда ижтимоий хавфли қилмиш халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган уруш қонунлари ва одатларига зид бўлса, шунингдек ҳарбий тартибга таъжовуз қилса, Франция Республикаси Жиноят кодексида кўрсатилганидан қатъий назар ушбу кодекс (Ҳарбий Адлия Кодекси) билан жазога тортилиши белгиланган.

Бундан қўринадики, Франция қонунчилиги, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар деганда, махсус қонун билан белгиланганидек, халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган уруш қонун ва одатларини, шунингдек ҳарбий тартибга таъжовуз қилмиш ҳарбий жиноятлар деб топилди", деб белгиланган.

Германия Федератив Республикасининг "Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик ҳақида"ги Қонунининг 2-параграфиде "Ушбу қонун билан тақиқланган қилмишлар ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар деб топилди", деб белгиланган.

Шундай қилиб, роман-герман ҳуқуқ тизимида ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар қонун билан қатъий белгиланган, жиноий жазога сазовор қилмиш экани ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Ақлдан озган йигит

Буюк файласуф Арасту "Маст бўлиш ўз ихтиёри билан ақлдан озшир", деган экан. Бу айна ҳақиқат бўлиб, ҳаётда жуда кўп маротаба ўз тасанини тоғган. Лекин дунёнинг энг онгла жонзоти бўлган инсонларнинг айримлари спиртли ичимлик ичиш ҳеч қачон яхшилиққа олиб келмаслигини билса-да, уни истеъмол қилишдан тийилмайди. Оқибатда эса ўзини турли кулфатларга гирифтор қилади.

Толиб Тўраев,
Бош прокуратура бошқарма АМИБ
терговчиси



тидан ва навбатдаги зарбани беришга шай турганидан унинг мақсади жиддий эканлигини тушуниб, елкасини ушлаганча қочиб қолади.

Юкорида инсонни ер шаридаги онгли жонзот деб айтган эдик. Лекин Руслан ичкилик таъсирида инсонийлик кифасини батамом йўқотиб, ўзини йиртиқч ҳайвондек тутайди.

У бир тунда қилган "иш"лари камлик қилгандек, "хуморидан чиқиб" учун яна кўча кезишда давом этади. Йўлда кетаётган ўзаро гаплашиб турган уч нафар йигитга дуч келади. У ҳе йўқ, бе йўқ уларнинг ўртасига сукулиб, қўлидаги пичоқ билан уларга ҳамла қилади. Йигитлардан иккитаси қочиб қолишади. Биттаси қочишга улгурмасдан Русланнинг қўлидаги пичоқдан саккиз маротаба жароҳат олишга "улгуради". Лекин оғир ахволданига қарамасдан, қаттиқ бақириб, одамларни ёрдамга қақиради. Руслан эса тезда жуфтакни ростлаб қолади.

Ўлкаси тиқилгунча югуриб, ўзини кўп қаватли уйларнинг орасига уради. Шунда ҳам жаҳл отидан тушмаган Руслан атрофда турган бир неча автомобилларнинг гилдиракларига қўлидаги пичоқни суқиб тешади. Холдан тоғича, аста уйи томон йўл олади.

Шундай қилиб, ҳеч қандай сабабсиз бир одамнинг қотилига айланган ва яна утказига оғир тан жароҳати етказган, эндигина йигирма икки ёшга кирган Руслан энди темир панжара ортида эркинликнинг қадрига етадиган бўлди. Суд ҳукми билан у йигирма йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Чирчилик Руслан Аблаев ўз уйда ўғай отаси билан чиқисолмай, тез-тез жанжал бўлаётганидан безиб, шаръий никоҳда бўлган Альбина исмли аёлнинг уйига кўчиб ўтади. Уларнинг бир нафар фарзанди ҳам бўлиб, ушбу уйда қайнонаси ҳам яшарди. Руслан топиб келаётган пул оила, рўзғордан ортмаётгани учун қайнонаси унга дашном бераверарди. Бундан безиб, у бошқа уй топиб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Шундан сўнг у ичкиликка берилиб кетади.

Одатдаги кунларнинг бирида Руслан ўртоқлари билан кафедра "маромига етгунча" спиртли ичимлик ичиб, тунги соат учларда ижарадаги уйга "бир ахвол"да келади. Р.Аблаевга ичимлик шунчалик ўз кучини кўрсатадики, у уйга кирганида эски таниши Сўхроб билан аввалига яхши кўришади, орадан бироз вақт ўтиб эса, бу йигит унга бутунлай бошқа одам кифасида кўрина бошлади. Унинг ақлдан озгани шу бўлса керакки, кутилмаганда, Сўхробни бундан бир неча кун олдин уриб ҳақорат қилганида айблаб, унга ташлаб қолади. Фала-говур ва шовқондан чўчиб уйғониб кетган уй эгаси Григорий югуриб чиқади ва уларни ажратишга уришиб, Русланни четга тортиб олади. "Иш"ни бу ахволда қолдиришни истамаган Руслан ошохонага кириб, пичоқ кўтариб чиқади. Григорий Русланнинг важохатини кўриб, унинг йўлини

Ичкилик касри

Илҳом Айдусов,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи

Темур Бердиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2015 йилнинг ёз ойларида уйдагилари билан чиқша олмай турмуш ўртоғи билан уйдан чиқиб кетади. У таниши фуқаро Гулбахор Мўминованинг уйда вақтинчалик яшайди. Г.Мўминова эса уйнинг бир хонасида Миразиз Фузаилов билан шаръий никоҳ асосида яшар эди. Миразиз деярли ҳар кун спиртли ичимлик истеъмол қилиб, Гулбахор билан тез-тез жанжаллашиб турарди. Темур эса ўз оиласи билан ушбу хонадонда 3 ой яшаб, ота-онанинг уйига қайтиб кетди. Лекин уйдан жой берган Гулбахорни ҳам унутмайди. Унинг хонадонига гоҳида меҳмонга бориб туради. Эр-хотин Темурни яхши кутиб олишар, муносабатлари жуда ижобий бўлганлиги боис, оилавий борди-келдини ҳам йўлга қўйишганди.

2015 йилнинг июль ойида Темур турмуш ўртоғи Азиза билан жанжаллашиб қолади. Шу сабаб бўлиб, турмуш ўртоғи ота-онанинг уйига кетиб қолади. Орадан маълум вақт ўтгач эса, Темур аёлини қайтариб олиб келиш учун қайнонанинг уйига боради. Бироқ Азизани ортга қайтара олмайди. Ушбу ҳолатдан қайфияти тушган Т.Бердиев қайтишда эски танишларини кўриб кетиш бахонасида уларнинг уйига қиради. Узаро сўхбатларда гапдан гап чиқиб, маст ҳолатда бўлган Миразиз Темурнинг турмуш ўртоғига нисбатан ҳақоратли сўзлар айтди.

— Тушунмадим, нима учун турмуш ўртоғимни ҳақоратла-

динг?! — деб Миразизнинг ёқасига ёпишади...

М.Фузаиловнинг саволларига жавоб бермай, Темурни ҳам суқиб, ҳақоратлайди. Шундан сўнг, ўртада жанжал бошланади. Ичкилик таъсиридан ўзини бошқара олмаётган Миразиз қаердандир пичоқ топиб, Темурга ташланади. Улар ўртасидаги жанжал муштлашувга айланади. Темур ҳам стол устида турган пичоқни олиб, ундан ўзини қимчи қилмоқчи бўлади. Бироқ Темур ўзини бошқара олмай, Миразизнинг кўкрак қисмига бир неча бор пичоқни санчади. Оғир тан жароҳати олган М.Фузаилов воқеа жойида оламдан кўз юмади. Т.Бердиев эса воқеа жойидан қочиб кетади.

Уша кун Темур республика миз худудидан чиқиб, Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида истиқомат қилувчи қариндошиникига бориб яшринади. Бўлиб ўтган воқеа ҳақида ҳеч кимга оғиз очмайди. Сўраганларга эса "ишлашга келдим", дея баҳона қилади.

Орадан бир hafta ўтиб, Т.Бердиев Ўзбекистонга қайтиб келади ва айбига иқроқ бўлиб, ўзини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонида Темур Бердиевга 17 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Диёнатни унутганлар

Мақолада номлари қайд этилган бу одамлар ақла-ўшули, оилали, эл орасида муносиб обрўга эга эди. Уларни мўмай даромад орттириш, бойликка ҳирс қўйиш каби нафс қутқуси йўлдан оздиргани аниқ.

Фурқат Ҳакимов Ромитан тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, Зоҳирбек Мавлонов Ромитан ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчас маулқ кадастр хизмати бошлиғи, Ихтиёр Муродов Халқ банкининг Ромитан тумани филиали "Пластик каторлочкалар тизимини ривожлантириш" шўъбаси мудири, Садилло Умуров Ромитан туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи, Эркин Ҳодиев Ромитан туман бош архитектори, Самад Мақсудов Ромитан туман ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчас маулқ кадастр хизмати бошлиғи. Қаранг, жиний гуруҳга бирлашган шахслар қайсидавр маънода раҳбар, мансабдор шадс, лавозим эгаси эди. Ачинарлиси, бу кимсалар бир гуруҳга бирлашиб, "жиноятчи" деган тамгани орттиришди. Улар мансаб сохтакорлиги, яни гаразғўйлик ва бошқа манфатларни қўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб қалбаки маълумот ва ёзувлар киритиб давлат маънафатларига кўп миқдорда зарар етказишди.

Ромитан тумани ҳокимининг 2013 йил 4 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси халқаро аҳамиятда Бухоро вилоят худудидан ўтган А-380 "Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеур" автомобил йўлининг 355-440 километрга қисмини кенгайтириб рекон-

струкция қилиш учун йўл минтақасига тушган фуқароларга тегишли бўлган бино-иншоотларнинг бузилиши муносабати билан етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида"ги қарори чиққандаёқ жиний гуруҳ аъзолари юригида гараз мақсадлар уйғонган экан. Туман маркази М.Самосий кўчасида жойлашган "ОРТ ОИЛ Петрол" МЧЖ директори Тўлкин Муродов ҳамда "Шухрат Тимур Қурилиш Обод" МЧЖ бош ҳисобчиси вазифасида ишлаган Отабек Раҳматовлар 2013 йилнинг 14 июль кунин Ромитан тумани Газли шаҳар, Тошкент кўчаси, 73-уйда яшовчи фуқаро Ахтам Чўлиевнинг ишончига кириб, уни осонгина алдашди.

Ахтам Чўлиев автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини 1998 йил 13 май кунин тумани ҳокимининг қарори билан 10 миллион сўмга сотиб олганлиги ҳақидаги маълумотни биллиб олишди. Жиний гуруҳ Жўрабек Файзиев ҳамда "BAHOLASH KONSALTING SERVIS" МЧЖ раҳбари Хайрулло Саломов ҳисобидан кенгайди. Жипслашган жиний гуруҳ А.Чўлиевга тегишли шохобча ҳужжатларини туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими архивидан олиб, ушбу бино ҳужжатларига фуқаро Соҳиб Ортиқов ҳамда Баҳриддин Файзуллаевларга тегишли бўлган Файзулла Ҳўжаев кўчасида жойлашган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси биносининг фотосуратларини илова қилишди. Сохта маълумотлар ва ёзувлар, шохобча девор тархи (схемаси)ни ўзгартириб, "BAHOLASH KONSALTING SERVIS" МЧЖ томонидан 2013 йил 1 июндаги № 312 / 06-13-сонли шартномага асосан 141 миллион 900 миң

Баҳромбек ЯРАШЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

сўмга баҳоланганлиги ҳақида сохта ҳужжат тайёрланади. Шунингдек, ер эгаси А.Чўлиев иштирокида йигилиш ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар ҳам сохташатирилиб, хамирдан қил суғургандек силлиққина битди. А.Чўлиевга тегишли шохобча хом гишдан қурилган бўлса-да, ишчи комиссия ушбу бинода 35 миң дона пишиқ гишт, 24 метр труба, 60 метр арматура, 75 дона шифер, 5 дона бетон плита ва бошқа жами 10 миллион 714 миң 800 сўмлик ишлатишга яроқли бўлган қурилиш материаллари борлиги ҳақидаги жимжимадор далолатномани ҳам тузиб қўйишди. Шунча ишни аъло даражада баҳарган жиний гуруҳ учун фуқаро А.Чўлиев имзосини сохташатириш, ишчи комиссия раиси туман ҳокимини ишонтириш нима деган гап ахир?!

Хуллас, жиний гуруҳ ишини пухта пишиқ қилишга киришиб, барча сохта маълумотлар киритилган қалбаки ҳужжатларни Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ижро этувчи дирекциясига тақдим қилишди. Бу жиний "операция"да ҳар кимнинг ўз вазифаси, ўз ўрни борлиги боис Жўрабек Файзиев номига Миллий банкнинг Ромитан туман филиалидан пластик карточка очилди. Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ижро этувчи дирекцияси томонидан банкка келиб тушган жами 127 миллион 254 миң сўм пул маблағларини жиний гуруҳ аъзолари шахсий эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборишди. Аслида устaxonаси бузили-

ши керак бўлган ер эгасининг эса бу воқеалардан хабари ҳам йўқ эди.

Йўлларни реконструкция қилиб кенгайтириш лойиҳасига асосан Газли шаҳар, Тошкент кўчаси 73-уйда яшовчи Солиха Музаффаровага тегишли автомобильларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳужжатлари ҳам худди шу йўл билан тахт қилинди. Бу объект учун Газли шаҳар, Талабалар кўчаси 160-уйда яшовчи Ёдгор Мирзаевага қарашли Бухоро-Хоразм йўналишидаги А-380 йўл ёқасида жойлашган шохобча фотосуратлари илова қилиниб, сохта ҳужжатлари далолатномалар, қалбаки имзолар билан расмийлаштирилди. Натияжада шохобча бузилиши муносабати билан фуқаро С.Музаффаровага 143 миллион 100 миң сўм компенсация тўлови тўлаб бериши лозимлиги ҳақида Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ижро этувчи дирекциясига ҳужжатлар рисодаларидек қилиб жўнатилди. Бу гал Халқ банки Ромитан туман филиалидан С.Музаффарова номига очилган пластик карточкага 132 миллион 629 миң сўм пул маблағлари туширилди. Жиний йўл билан топилган маблағ эса, жиний гуруҳ аъзолари томонидан ўзлаштириш йўли билан талон-тороҳ қилиб юборилди. Мақола аввалида тилга олинган жиний гуруҳнинг вазифалари аниқ. Кимдир, ҳужжатларни расмийлаштириш, бошқаси банк ишларига қараматишни кўрсатган, яна бирови имзоларни қалбакилаштирса, шекрлардан бири ҳужжатларни ҳокимга имзолатиб, муҳр бостириб ишни битирган.

Қонуннинг кўзи ўткир, сўзи кескир. У ҳар қандай гайриқонуний ҳолатни адолат тамойили асосида ўз доирасида баҳолайди. Ушбу жиний гуруҳ аъзолари қонун олдида жавоб берди. Суд ҳукми билан уларнинг қилмишига яраша жазо тайинланди.

Тугилган кун «Совға»СИ

Бу кўргулик кузнинг илк кунларидан бирида юз берди... Ҳали ҳаётнинг оқ-қора йўллари борлигини англаб етмаган, дунёга бегубор кўзлари ила боқувчи Шамсия (исмлар ўзгартирилган) учун қутилмаган "совға" келтирди бу куз.



— Энди нима бўлади? — ичини ит тирнарди қизнинг. — Отамнинг, акамнинг кўзларига қандай қарайман?! Минг лаънат телефонни чиқарганга, ўша пастхак билан танишган кунимга ҳам.

Пушаймондан наф йўқ, Нимадир қилиш керак. Лекин нима? Бутун маҳалла олдида шарманда бўлди-ку. Йигит киши ҳам шу даражада пасткашликка борадими? Эшик олдида ташлаб кетилган расмларни кўргунича ерга кириб кетса бўлмасмиди? Ўзи кўрса ҳам бир гап эди, ота-онаси, ақаси, кўни-кўшнилари-чи... Уларнинг олдида ким деган одам бўлди? Ахир айб унда эмас-ку! Қайси қиз отасига қарши бора олди? Совчилари қайтган бўлса, чекиммасин эди. Ҳозир отаси кириб келадими-ю...

— Алло, бу Қодир аканинг телефоними?

— Йўқ, адашиб тушингиз. Гўшакинг нариги томонидан келган ёқимли овоз Сарварни ром этиб қўйди. У ҳозир тахминий рақамга кўнгирак қилган, агар кимдир кўтарса, қитмирона сўзлар билан жигга тегишни режалаштирган ва шу орқали зерикшидан қутулмоқчи эди. Лекин қулони га соҳир куйдек эшитилган овоз ўйларини тонгги тумандек тўзғитиб юборди.

— Кечирасиз, — бироз жимликдан сўнг тиш ёрди йигит. — Майлими сизга гоҳ-гоҳида кўнгирак қилиб турсам?

— Йўқ! — қатъий жавоб берди қиз. — Қайтиб телефон қилманг.

"Бундай ширали овоз эгасини қўлдан чиқариб бўлмайди. Ким билсин, ўзи ҳам ово-

зидек чиройлидир." Шу кундан бошлаб Сарварнинг кўнгилига ўт тушди. "Овозининг нозиклигига қараганда, ҳали анча ёш кўрилади, демак илтириб олиш қийин кечмайди".

Сарвар қизлар борасида анчайин тажрибали бўлгани боис (бундан олдин ҳам бир нечта қизларни ўзининг таъбири билан айтганда, "қўлдан ўтказган" эди-да), ўйланиб ўтирмасдан ишни ишқий СМСлар юборишдан бошлади. Жавоб келмаса ҳам режа ўз самарасини беришига ишончи қомил йигит орта чекинишни ҳаёлига ҳам келтирмас, ора-орада кўнгирак қилиб турар, қиз (ўйлаганидек) ёш, содда, шу пайтгача билан бўлса-да, жавоб бериб турар, келган СМСларни дугоналарига кўрсатиб, мақтаниб ҳам кўярди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Сарвар қармоғига илиниб улгурган қизни учрашишга кўндирди. Қиз кучли ҳаяжон ва бироз кўркүв оғушида келишилган жойга етиб борди. Кўринишидан учрашувга обдон тайёрлангани шундоққина сезилиб турар, бу ҳаётидаги илк учрашуви эди унинг.

— Салом бердик. Ёнгинасидаги дарахт панасидан тўсатдан чиқиб келган, қошлари қуюқ, баланд бўйли, истарали (ҳар ҳолда қизга шундай туюлди), кўзларига тушиб турган сочи замонавий

турмакланган, сийрак соқоли янги майсадек униб қолган, чиройли кийинган, тасаввурдаги шахзодасини эслатувчи ўша, бошида неча бор жеркиб беришига қарамай, қайта-қайта кўнглини очаверган, охир-оқибат қалбига йўл топган ва овозини эшитганда юраги бир ҳаприқиб тушади-ган бўлиб қолган йигитнинг телефондагига қараганда бироз дағал овозда берган саломига секингина "яхшимисиз" деб қўя қолди.

— Сизни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку, қайсархон.

Хушомаддан анордек қизарганча бежирим туфлисига тикилиб қолган, белини кучиб турган узун сочлари тим қора, қайрилима киприклари ярим ой шаклидаги ингичка қошларига тегай-тегай деб турган, юзи сутга чайиб олингандек оппоқ, келинларга ҳаваас қилиб, нозик бармоқларига узук тақиб олган, қисқик кўзлари жодуваш қизга қараб Сарвар қаршисида пари турганига ишонч ҳосил қилди. Тасаввур қилганидан-да гўзал!

— Балки энди ҳақиқий исмингини айтурсиз? — дарахт-зор оралаб кетган тупроқ йўлакчадан ёнма-ён суҳбатлашиб кетаётганларида сўраб қолди йигит.

— Шамсия.

Сарвар бу исм қандай маънога эга эканлигини билмаса ҳам ўзича турли хил камёб, қизикарли тахминлар келтириб, қизга қулгу улаша кетди. Улар шу тарихча узоқ сайр қилишди. Учрашув-учрашувларга, суҳбат-суҳбатларга ула-ниб, ўртадаги шунчаки қизиқ туфайли юзага келган муносабат муҳаббатга айлан-

Акмал САЙФИДДИНОВ,
Қарши туман прокурори
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

ганини сезмай ҳам қолишди. Сарвар қизни ҳақиқатан яхши кўриб қолган, Шамсия ҳам тенгдошларига хос орзуманд қизлар қатори йигитга бокира туйғуларини ишониб топширганди. Йигит орзусидаги қизни учратганидан терисига сизгмас, бир кун келиб унга уйланаман, дея ўзига ваъда ҳам бериб қўйганди.

Муносабатлари чуқурлашиб, севишганлар учрашувлардан бирида боғнинг хил-ват гўшасида ўпишишди. Сарвар бу ҳолни Шамсияга сездирмай қўл телефонни орқали суратга олиб қўйди, қачонларди ширин энтиқиш ва ҳаёллар оғушида шу оларни эслаб завқланамиз, бу муҳаббатимизнинг илк бўсасидан эс-далик бўлиб қолади, дея ҳаёлланди у. Лекин дўппи тор келганда мана шу эсдаликдан сўнгги нажот илнжиде фойдаланиб, охири...

— Уйингга совчи юбормоқчиман, — танишганларига роппа-роса тўрт йил ўлгач, мақсадини рўй-рост ошкор қилди Сарвар. — Шунга, ҳалиги, нима дейсан?

— Уялтирманг-е, — тескари қараб олди қиз. — Мен... мен, — каловлиниб қолди Шамсия. — Уйдагилар нима дейишса шу.

Қизнинг розилигини фаҳмлаган йигит вақтни ўтказмай совчи қўйди. Шамсиянинг ота-онаси рад жавобини бергач, туюқиб кетган йигит қандай бўлмасин, қизни қўлдан чиқармаслик йўлларини қидира бошлади.

— Отангга айтмадингми мени севишингни?

— Йўқ, айтолмадим, — қисқа жавоб қайтарди қиз. — Сиздан илтимос, менга бошқа кўнгирак қилманг, ота-онамга қарши қиколмайман.

Қизнинг охириги гапи шу бўлди. Аммо Сарвар бу билан тинчимасди. Қизга турли рақамлардан кўнгирак қилар, ақасининг қўл телефонига эса унинг шаънига тегадиган, қурақда турмас СМСлар юборар, аламдан ўзини кўярга жўй тополмасди. Ҳатто бир сафар Шамсияни кўчада учратиш қолганида "Билиб қўй, сени мендан бошқа ҳеч ким

олмайди, негаки номингни фоҳишага чиқараман", дейишгача борди. Ана шундай кунларда унинг жонига яқин дўсти Анвар оро кирди.

— Менга қара, — деди Анвар дўстининг елкасидан тўтаркан. — Ҳалиги, менга кўрсатган, Шамсия билан ёнма-ён, ўпишиб тушган суратларинг бор-ку...

— Ҳўш, — тезроқ унинг режасини билиш мақсадида гапни қисқа қилишга шама қилди Сарвар.

— Хуллас, ўша суратларни кўпайтириб, қизнинг ва кўшнилариининг дарвозалари олдида ташлаб кетамиз, қарабсанки, Шамсиянинг отаси қизини сенга беришдан бошқа илоҳ тополмайди.

Режа Сарварга мойдек ёқиб тушди. У айни чоғда бунданга ёмонроқ ишни қилишга ҳам тайёр эди. Иккала дўст Қарши шаҳридаги суратларга бориб, суратларни етарлича кўпайтиришди ва Шамсиянинг тугилган кунига унга аталган "совға"ни қандай "топшириш"ни келишиб олишди.

Қутилган кун келди. Тўкин дастурхон атрофида Шамсиянинг тугилган кунини нишонлаётган оила аъзоларидан бири — ақасининг телефони-га нотаниш рақамдан нотаниш киши кўнгирак қилиб "Кўчага чиқда, совгани ол", дедику телефониини ўчириб қўйди. Қизнинг отаси ва ақаси ташқарига чиқишганда, дарвоза тағида Шамсия билан Сарварнинг ўша ҳолатлари акс этган суратларни кўришди. Отасининг қўлидаги бу суратларни кўрган Шамсия йилганча югуриб хонасига кириб кетди.

Қизи билан гаплашиб олган ота Қарши шаҳар ИИБ бошлиғи номига шаъни таҳқирланган қизи номидан ариза ёзди. Афсуски, ўз ниятига етишишинг "ўзгача" йўлини топган ошқиб бу қилмишининг нафақат инсонийлик фазилатларига, балки қонунга ҳам тўри келмаслигини англаб етмаганди. Ҳолбуки, бировнинг шаънига тегиш, ёмонотлик қилиш, таҳқирлаш жиноят ҳисобланади. Суднинг ҳукми билан "ошиқ" ва унинг "маслаҳатгўй" ош-насига қонуний чора кўрилиб, улар тегишли жазога тортилди.

Қиссадан хисса шуки, муҳаббат — улуг туйғу. Кўнгилик қўйган кишига инсон бундай йўл билан етишишга уринмайди. Чиройли хулқ, мардлик билан эришади.

Оғуфрурушларга ҳукм ўқилди

Ойбек АКРАМОВ,

Ўзбекистон туман прокуратураси терговчиси

Кечкурун таниш йигит И.Осла-новнинг қўл телефонида кўнгирак қилди. Наша топиб беришини сўраб, нарҳини ҳам келишиб олди. И.Осланов жиянининг автомашинасида Кўкон шаҳридаги кафе-лардан бирининг ёнига келди. Танишдан пулни олгач, бир четга ўтиб, Д.Бўтабоевга кўнгирак қилди. "Чарс" (гашиш) керак, деди. Сўнгра унинг Найманча қишлоғидаги уйига бориб, наша сотиб олди. "Баҳор" тўйхонаси ёнида жиянининг машинасида тушиб, таниши У.Атабаевнинг автомашинасига ўтирди. Унга йўлқира ўрнига наша берди. У.Атабаевнинг машинасида Кўкон шаҳрига келишилган кафе ёнига қайтиб келиб, харидорга нашани бераётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланди. У.Атабаевнинг автомашинасидан эса бир ўрам наша олинди.

И.Осланов нашани Д.Бўтабоевдан сотиб олганини айтиб, ихтиёрий равишда назорат-ха-


рид тадбирида иштирок этди. Келаси куни яна телефонда боғланиб, Найманча қишлоғига борди. Д.Бўтабоев унга яна 1,45 грамм наша сотганида ушланди. Унинг хонадони кўздан кечирилганда, сигарет қутисидан наша, ертўласидан кўнжори пояси топилиди. Бундан ташқари, томорқасига эккан 2 тул наша ўсимлигидан намуна олинди, кўчатлар йўқ қилинди.

Фуқароларнинг аризалари асосида ўтказилган назорат-ҳарид тадбирлари

давомида ўзи наша чекканидан ташқари олиб сотиш билан шугулланган С.Абдуллаев, наshawнд наshawрушларни оғу билан таъминлаб турган Ф.Тўхтасиновлар қўлга олинди.

Эс-ҳуши жойида, қилмишининг оқибатини яхши билган Флора Тўхтасинова, Илхамжон Осланов, Саид Абдуллаев, Умид Атабаев ва Давлатжон Бўтабаевларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши Ўзбекистон туман судида кўрилди.

Ф.Тўхтасинова бирон жойда ёлчилиб ишламаган. Жон қойтмай, мўмай даромад орттириш илнжиде гиёҳвандлик воситаларини олиб сотиш билан шугулланиб келган. У ўтган йил апрел ойида Кўкон шаҳрининг Аҳиллик кўчасида, Г.Нишонбоевдан (вафот этган, жиноят ишининг унга нисбатан қисмати тугатилган) 70 грамм наша сотиб олган эди. Ушбу қўп



Миллий манфаатларимизга зид битимлар тузганлик учун жавобгарлик кучайтирилди

Апрель ойидан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексига мамлакатимиз манфаатларига зид битимлар тузганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган муҳим қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.


Президентимиз Ислам Каримов 2015 йил январида ҳамда 2016 йилги устувор вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йўғилишида чет эл инвестицияларини иқтисодийлик тараққиётига жалб этишда, аввало, шулар ҳисобидан хориждан олиб келинадиган техника ва технологиялар замон талабига жавоб берадиган энг юқори даражада бўлиши шартлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу эса эскирган, талабга жавоб бермайдиган асбоб-ускуналарни олиб келиш ва ишга тушириш юзасидан буюртмачиларнинг жавобгарлигини кучайтиришни талаб этади. Ана шу мақсадда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексига янги нормалар билан тўлдирилди.

Таъкидлаш жоизки, жиний даромад орттиришни кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига муқаддам қўлланилган, жисмоний ишлаб бўлинган ва маънан эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ёхуд технологияларни олиб кириш

орқали давлатга наф келтирмайди аён бўлган битимлар тузиш — мамлакатнинг экспорт салоҳиятига ҳамда валюта ва марказлаштирилган маблағлардан оқилона сарфланишига салбий таъсир кўрсатиб, корхоналарнинг банкрот бўлишигача олиб келаётган эди.

Бундай битимлар асосан, олиб кириладиган асбоб-ускуна ва технологияларнинг нарх-наво тахлили ва экспертлик баҳосини беришга ваколатли бўлган мансабдор шахслар томонидан ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда содир этилмоқда.

Амалдаги Жиноят кодексининг 175-моддасида давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган ҳолда жиноят содир этилган тақдирда ҳам 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланарди. Бу эса қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига номуаносиб бўлиб, мавжуд норма жиноятнинг олдини олиш ва профилактика қилиш имкониятини чеклар эди.



Қолаверса, мавжуд қонунчиликда мамлакатга олиб кириладиган асбоб-ускуна ва технологиялар нарх-навосининг тахлили ва экспертлик баҳосини беришга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласи назарда тутилмаган. Айни чоғда, амалдаги қонунчиликда қайд этилган ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жавобгарлик назарда тутилмаган.

Янги қонунни қабул қилиш жараёнида халқаро тажриба ҳам атрофлича ўрганилди. Хорижий давлатлар қонунчилигида "мамлакатга нисбатан суистеъмолчилик ва фирибгарлик" тарихида ифодаланувчи давлат манфаати учун наф келтирмайдиган битимлар тузганлик учун бир мунча қаттиқ жазо чоралари назарда тутилган. Мисол учун АҚШда бундай хатти-ҳаракатлар учун 10 йилгача

озодликдан маҳрум қилиш ва 10 миллион доллар миқдорда жарима тайинланади. Германия, Корея, Латвия ва Россияда 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, Сингапурда эса 20 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган.

Қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, қонунга янги тахрирда киритилган норма мамлакатимиз ҳудудига муқаддам қўлланилган, жисмонан ишлаб бўлинган ва маънан эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ёхуд технологиялар олиб кирилишининг олдини олишига қаратилган.

Қабул қилинган нормани амалда бир хилда қўллаш ва унинг ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида "муқаддам қўлланилган", "жисмоний ишлаб бўлинган", "маънан эскирган", "замон талабига жавоб бермайдиган" асбоб-ускуна ёхуд технологиялар каби атамалар соҳалар миқёсида (саноат, ишлаб чиқариш, АКТ, соғлиқни сақлаш) янада аниқлаштирилди. Мисол учун, "замон талабига жавоб бермайдиган" асбоб-ускуна ёхуд технологиялар деганда, юқори қувватда ишлайдиган, энергияни кўп сарфловчи, маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлай олмайдиган асбоб-ускуна ва технология-

Даврон АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати

лар назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Республика суд-экспертиза марказида асбоб-ускуна ва технологияларнинг техник ва технологик талабларга жавоб бериши ҳамда нархларининг мўътадиллиги юзасидан асосланган ҳуқуқ бера оладиган мустақил бўлим ташкил этилиши белгиланди. Хусусий сектор томонидан замон талабига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ва технологиялар олиб келинишининг олдини олиш мақсадида иқтисодий чоралар (импорт учун бож, солиқ ва бошқа тўловларни ошириш орқали) янада кучайтирилди.

Қонунчиликка киритилган маъруза ўзгартиш ва қўшимчалар давлат манфаатларига зид битимлар тузилишининг олдини олиш билан бирга, марказлаштирилган ва давлат кафолати остида олинаётган валюта кредитларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади. Бу эса инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаб, маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади, иқтисодийликни янада жадал суръатлар билан ривожланишини таъминлайди.

Баркамол авлод — ғамхўрлик натижаси

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Ёрқиной ВАПАЕВА,
ҳуқуқшун

Ўзбек халқи болажон. Умрини фарзандлари учун бағишлайдиган халқимизнинг барча орзу-умидлари, бахту саоати ҳам ворислари сиймосида намоён бўлади. Шундай экан ҳар қайси ота-она ўз боласининг жисмонан соғлом, маънан баркамол, ақлзаковатли ва албатта бахтли бўлишини исташи табиий бир ҳол. Фарзандларни меҳр-оқибатли, жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш умрбоқий қадриятларимиз асосини ташкил этади. Бу мустақилликка эришишга иккунларлаёқ давлат сиёсати даражада қўйилган.



Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этилди. Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни замон талабига мос равишда тарбиялаш учун улкан ишлар амалга оширилди.

Олиб борилаётган ислохотлар жараёнида миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва уни юксак маънавиятли, комил инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яхши анъанага айланган йилларнинг номланишида ҳам соғлом ва баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётганига гувоҳ бўламиз.

Хусусан, Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланшида ҳам ана шу мақсадлар мўжассам. Бу билан соғлом бола соғлом оила меваси эканлиги, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилиши ва бу ҳақиқат асрлар оша ўз тасдиғини топаётганлигини, ана шундай муҳим ҳаётий қадриятни янада чуқур қарор топтириш, баркамол авлодни тарбиялаш бора-бордаги ишларни янада юқори босқичга кўтариш мақсад қилиб қўйилди. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи энг муҳим ва устувор вазифа сифатида давлатимиз томонидан белгилан қўйилганлиги ва бундай хайрли ишлар ўз самарасини бериб келаётгани қувонarli ҳол, албатта.

Республикамизда аввало жисмонан соғлом, ақдан етук, маънан бой, умуммиллий ва умумбаъшарий ғояларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш ишлари-

нинг босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётганлиги бугун ўз самарасини бермоқда. Бу борада, аввало, ёшларнинг интилиши ва мақсадларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда кейинги йилларда уларнинг манфаатларини кўзловчи бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди. "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда замонавий таълим тизимини шакллантириш ва юксак малакали кадрларни тайёрлаш ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг асосий омилга айланди. Бинобарин,

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан амалга оширилган туб ўзгаришлар дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Бу борада мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими яратилди. Бугун 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимига ўтилди ҳамда таълим тизимининг узлуksизлиги таъминланди.

Бу жараён бир жойда тўхтаб қолаётгани йўқ. Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуksиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билим ва малакали касб тайёрлагичига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш мақсадида дунё ҳамжамияти томонидан янги тажриба сифатида эътироф этилган уч босқичли ягона тизим "Баркамол авлод", "Умид ниҳоллари" ва "Универсиада" каби спорт ўйинлари ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу мусобақалар бўлажак чемпионолар учун замин ҳозирлаётгани ҳам айна ҳақиқат.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва таърибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз".

Қутлуғ бўлсин!



Юрт тинчлигини мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, қатор орден ва медаллар билан тақдирланган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Салим Ҳамроев табаррук 90 ёшни қарши олмақда.

У 30 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Бухоро вилоят прокуратураси тизимида турли лавозимларда, яъни вилоят прокуратурасида терговчи, прокурор ёрдамчиси, Вобкент, Шофиркон ва собиқ Файзулла Ҳўжаев туманлари прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозонди.

Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматиغا сазовор бўлди.

Салим Ҳамроев қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳаммаша шоғирдларига меҳрибон устоз сифатида ўрнак бўлди.

Унинг кўп йиллик садоқатли ва матонатли меҳнатлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб баҳолалиб, "Жасорат" медали билан рағбатлантирилди ҳамда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвони билан мукофотланди.

Ҳурмати Салим Ҳамроев, қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин! Сизга соғлик-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ихтимой қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Контеда айб йўқ

Спорт

Италия терма жамоаси бош мураббийи Антонио Конте устидан олиб бориладиган олти ойлик суд жараёни якунига етди.

Гап шундаки, Конте келишилган ўйинларга аралашганликда айбланаётган эди. У 2010-2011 йилги мавсумда "Сиена" клуби бош мураббийи вазифасини бажарган ва "А" серияга чиқиш учун сўнгги ўйинларда келишганликда гумон қилинган. Ушанда "Ювентус" клуби "Сиена" жамоасининг қуйи лигани тарк этишига катта ҳисса қўшган.

Прокуратуранинг текширувларидан сўнг Антонионинг бу ишларда қўли йўқлиги аниқланиб, айбсизлиги исботланди. Энди "Челси" клубининг бўлажак устози Италия термасини 10 июнь куни старт оладиган Европа чемпионатида тайёрлашни хотиржам равишда давом эттиради.

Игуаиннинг истаги



Италиянинг "Наполи" клуби ҳужумчиси Гонсало Игуаин бир неча ойдан бери жамоани тарк этиши мумкинлиги борасида турли хабарлар тарқалган. Daily Mirror нашри тарқатган маълумотларга қараганда, аргентиналик форварда қайси клубга ўтиш истагини билдирган.

Манбанинг маълум қилишича, Игуаин "Наполи" клубидан кетиш нияти йўқлигини, аммо кетадиган бўлса, Англиянинг "Ливерпуль" клубида тўп тепишни истамоқда.

Эслатиб ўтамиз, ҳужумчига "Челси" клуби жиддий қизиқиш билдирмоқда. Бундан ташқари, "Бавария" жамоасининг бўлажак бош мураббийи Карло Анчелотти Игуаинни янги клуби сафида кўришни истамоқда.

«Манчестер Юнайтед» Саулга қизиқмоқда


Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби Мадриднинг "Атлетико" жамоаси ярим ҳимоячиси Саул Ньесени сотиб олишга киришди.

Daily Mail нашрининг хабарига кўра, "МЮ" клуби футболчи учун 71 миллион евро тўлашга рози бўлган.

Гап шундаки, мазкур иқтидор эгасининг ҳуқуқи Жозе Моуриньонинг агенти Жорже Мендешнинг корхонасига тегишли ҳисобланади. Сотиб олувчилар ичида энг асосий клуб сифатида "МЮ" қаралмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 21 ёшли футболчи яқунланган мавсумда 47 та ўйинда майдонга чиқиб, 9 та гол урган ва 4 та голли узатмага муаллифлик қилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга ошириладиган туб ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мол-мулклари ҳимоясини, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга, жиноятларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Тезкор-қидирув фаолияти имкониятлари

Қонуннинг 19-моддасида: "Тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши кўзга тушувчи учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритишида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокуратурага тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин", дейилган. Мазкур норма асосан тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг жиноят-процессуал жиҳатларини белгилайди.

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари деганда, тайёргарлик кўриладиган, содир этиладиган ёки содир бўлмаган жиноят иши содир бўлмаган ҳақида суриштирув, тергов органлари ёки суддан яшириниб юрган шахслар ҳақида қонунга мувофиқ равишда олинган маълумотлар тушунилади.

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари, умуман олганда, тезкор-хизмат ҳужжатларида (орган ходимининг билдиргилари, маълумотномалари, ҳисоботлари, далолатномалари, шунингдек тезкор-қидирув тадбири иштирокчиларининг тушунтириш хатлари ёки фуқароларнинг аризалари, у ёки бу идоранинг далолатномалари ёки бошқа ҳужжатлари) ўз ифодасини топади. Тезкор-хизмат ҳужжатларига тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чоғида олинган нарса ва ҳужжатлар илова қилиниши мумкин. Тезкор-қидирув фаолияти доирасида тезкор-техник тадбирлар ўтказилган ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда техник воситалардан фойдаланилган тақдирда тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари ахборотнинг моддий (жисмоний) ташувчиларида (фонограммалар, видеограммалар, киноленталар, фотоплёнкалар, фотосуратлар, магнит ва лазер дисклари, қолиплар ва бошқаларда) қайд этилиши мумкин.

Ҳужжатларнинг ўзи (билдирги, маълумотнома, далолатнома ва бошқалар) тезкор-қидирув фаолияти натижалари ҳисобланмайди, чунки улар тезкор-қидирув тадбирлари субъекти томонидан олинган ахборотнигина акс эттиради ва унинг ҳаракатлари яқунларини қайд этади, холос. Бинобарин, тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари тезкор ҳужжатларининг ўзи эмас, балки уларда акс этган маълумотлардир. Яъни тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари ҳақиқий маълумотлар эмас, балки фактлар ҳақидаги маълумотлар десак тўғри бўлади. Шу боис, жиноят процессида тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари тақдим

этилганида ва улардан фойдаланилганда гап ахборотнинг ҳужжатлаштирилган манбалари ҳақида эмас, балки кўпроқ уларнинг манбалари ёки процессуал тарзда тасдиқланиши мумкин бўлган фактлар ҳақида боради.

Тезкор-қидирув фаолиятининг амалга оширилиши, ахборот олиш (топиш) билан бир қаторда, ушбу ахборотдан фойдаланишни ҳамда процессуал хусусиятга эга қарорлар қабул қилиниши назарда тутилади. Масалан, назорат остида олиш тезкор-қидирув тадбирининг натижалари процессуал қарорлар қабул қилиш (жиноят иши кўзга тушириш) ёки тергов ҳаракатлари ўтказиш (тинтув, олиб қўйиш, воқеа жойини кўздан кечириш) учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолиятида аниқ вазифани ҳал қилиш, масалан, жиноят белгилари алоҳида тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш орқали аниқланиши мумкин. Бунда жиноят ҳақидаги аниқ ва ишончли ахборотнинг мавжудлиги натижа бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ушбу ахборот жиноят ишини кўзга тутиш, алоҳида тергов ҳаракатлари ёки уларнинг мажмуини ўтказиш учун етарли бўлиши мумкин. Масалан, тезкор-қидирув фаолияти натижаларига асосланган процессуал қарорларнинг қабул қилиниши ёхуд тергов ҳаракатларининг ўтказилиши фақат бир қатор тезкор-қидирув тадбирлари (уларнинг мажмуи) билан, масалан, тезкор кузатув, тезкор қиритиш, телефон сўзлашувларини эшитиш, назорат остида етказиб бериш кабилар ўтказилганидан кейин, ҳатто агар улардан бирортасининг натижаси ўз ўзидан процессуал қарор ва ҳаракатлар учун асос бўлиши мумкин бўлса ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ўринда тезкор-қидирув фаолияти натижаларига текширилган ва баҳоланган тезкор маълумотлар ёхуд фактлар ҳақидаги маълумотлар тизими сифатида қараш мумкин.

Юқорида айтилганидек, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, ўз хусусиятига кўра ҳар доим ҳам процессуал аҳамиятга эга бўлмаслиги ва жиноят процессида расман қўлланилмаслиги мумкин. Кўпинча улар расмий тезкор-қидирув фаолияти ҳаракатларида амалга оширилиши ва натижаси сифатида тақдим этилиши мумкин

Тимур ХУСАИНОВ,
Бош прокуратуранинг ОЎК
ТИНГЛОВЧИСИ

бўлган ахборот сифатидагина намоён бўлади. Бу конспирация принципига, асосан тезкор-қидирув фаолиятининг ношкор асосларига риоя этиш зарурати билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ахборотлар, ҳатто жуда юқори даражадаги ишончликка эга бўлса ҳам (масалан, ҳодиса бўлган вақт, жой, вазият, унинг иштирокчиларини қайд этган видеоёзув), фақат шунинг ўзигина уларни тезкор-қидирув фаолияти натижалари деб тан олиш учун етарли эмас. Бундай ахборотлар улар олинганига олиб келган ва ана шунда қайд этилган ёхуд моддий ташувчиси топилган тезкор-қидирув тадбирлари билан ўзаро алоқдорликдагина тезкор-қидирув фаолияти натижаси сифатида қараш мумкин. Ушбу ҳолат кейинчалик бундан жиноят процессида расман фойдаланиш нуқтани назардан ниҳоятда муҳим деб ўйлаймиз.

"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартиб, шарт-шароит ва асосларни бузган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари қонуний ҳисобланмайди ва ҳуқуқий маънода тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этмайди. Бинобарин, уларни ўтказиш жараёнида олинган маълумотлар ҳам расмий ҳақдан тезкор-қидирув фаолияти натижалари сифатида баҳолашни мумкин эмас.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят ишлари бўйича исбот қилишда қуйидаги шартларга риоя этилган бўлганига фойдаланиш мумкин:

— тезкор-қидирув фаолияти натижалари исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисида бўлиши керак;

— тегишли процессуал расмиёлаштириш имкониятига эга бўлиши лозим;

— текшириб олинishi мумкин бўлиши керак. Бунда тезкор-қидирув натижаларидан фойдаланиш натижасида тезкор-қидирув фаолиятининг усуллари, тактикаси ва воситалари ошкор этилмаслиги шарт.

Тақдим этилган тезкор-қидирув фаолияти натижалари ЖПК талабларига биноан текширилиб, баҳоланганидан сўнг жиноят ишига қўшилиши мумкин.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси жамоаси бошқарма бўлим бошлиғи Машариб Саидовга ўғли

Акбар САЪДУЛЛАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Тадбиркорларга яқин кўмакчи, ишончли ҳамкор

Жорий йилда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини катта кўтаринкиликда кутиб олиш тарафдорларимиз. Чорак асрлик босиб ўтилган йўлларга назар соладиган бўлсак, барча соҳаларда кенг кўламдаги ислохотлар олиб борилганлиги ва бу борадаги саяёҳаракатлар изчил давом эттирилаётганлигига ғувоҳ бўламиз, албатта.

Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш ва бу орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида муайян ишлар қилинаётган. Республикада иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга турли имтиёз ва имкониятлар берилаётганининг боиси ҳам шунда.

Бугун нафақат шаҳарларимизда, балки марказдан анча олис бўлган чекка туман, қишлоқ ва овулларда ҳам янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилаётгани, шунга мос равишда тадбиркорлик субъектлари сони кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётганида молия муассасаларининг алоҳида ўрни борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бу жараёнда, мамлакатимиздаги йирик банклардан бири — "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг Қашқадарё вилоят бошқармаси яқин кўмакчи бўлаётгани эътиборга моликдир.

Банк томонидан турли тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит маблағлари йўналтирилаётганлиги туфайли жойларда тадбиркорлар сафи кенгай-

моқда, аҳоли бандлиги учун янги иш ўринлари яратилмоқда.

Эътиборга муносиб эътироф

Тинч ва осуда юртимизга тўю байрамлар ярашади. Истиклолнинг ҳар дақиқаси асрларга татигуликдир. Мана шундай фаровон ва обод дийрда умргузaronлик қилаётган ҳар бир ватандошимиз чехрасида мамнунликини ҳис қиламиз. Юртдошларимиз ҳар соҳада фаол. Бу борада ишбилармон-тадбиркорларимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар, улар билдираётган эътирофларга эътибор қаратиш айни муддаодир.

— Биз, аёлларга муҳтарам Президентимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Шу сабабли ҳам хотин-қизларимиз барча соҳаларда фаол ва ташаббускор бўлишга интилоқдалар, — дейди Ҳузур туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор Райҳон Мирзаева. — Шунинг билан айтаётганимиз шунки, юртимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш уларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини амалиётга жорий этиш борасида муайян ишлар олиб борилаётган. Бу жараёнда тижорат банкилари ишбилармонларнинг яқин кўмакчиси, ишончли ҳамкорига айланиб улгурди. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадидаги тижорий лойиҳа "Агробанк"нинг Ҳузур филиали томонидан ижобий баҳоланиб, 16,4 миллион сўм

кредит маблағи ажратди. Ўз ишимни йўлга қўйиш орқали тадбиркорга айландим. Оилам даромадига улуш қўшишга ҳам эришмоқдаман.

— Бозорларга йўлингиз тушса, расталардаги дид билан терилган турли ноз-неъматларни кўриб дилингиз яйрайди. Кўнглингиз фахр-ифтихорга тўлади. Буларнинг тағ-замирида юрт тинчлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари мужассам эканлигини ҳис этишимиз қийин эмас, — дейди Яқкабоғ туманидаги "Довза Кўржи" МЧЖ раҳбари Зариф Эгамбердиев. — Аҳоли дастурхонига сифатли балиқ маҳсулотларини тортиқ этиш мақсадида "Агробанк"нинг Яқкабоғ филиалидан 30 миллион сўм кредит олиб, иш фаолиятимизни янада кенгайтирдик. Бунинг натижасида қўшимча икки киши ишли бўлди. Ҳозирда лўқмаи ҳалолни тўйимли озуқалар билан озиқлантириб, аҳолининг сифатли балиқ гўштига бўлган талабини қондириш пайида бўлмоқдамиз.

— Бугунги кунда фермерларимиз жамиятимизнинг илғор вакиллари сифатида эътироф этилмоқда. Ана шу юксак баҳога муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди Касби туманидаги "Ризқ келажаги" фермер хўжалиги раҳбари Тоштемир Жабборов. — Мана, туманимизни олиб қарайлик, бири-бирдан фаол фермерларимиз аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга, уларнинг дастурхонларига йил бўйи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш борасида улкан таж-



AGROBANK

риба орттириб бораётган. Шу туфайли бизлар ҳам ортада қолмасдан олдинга интилоқдамиз. Бу йўлда банкларнинг кўмаги ва молиявий мадади катта бўлмоқда. Хўжалигимизга зотли моллар олиб келиш мақсадида "Агробанк"нинг Касби филиалидан лойиҳага асосан 120 миллион сўм кредит маблағи олдик. Бунинг натижасида аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга эришмоқдамиз. Шунингдек, 3 киши ишли бўлди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, иқтисодиёт тараққиёти, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган молия муассасаларига тадбиркорлару ишбилармонларнинг ишончининг ошиши муҳим омил бўлмоқда. Ана шундай ўстувор тамойил асосида иш олиб бораётган "Агробанк" АТБ жамоаси "Соғлом она ва бола йили"да ҳам ўз сармоялари билан тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиётни қўллаб-қувватлаётганда.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ
Хизматлар лицензияланган

Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банк

яқинлашиб келаётган «МУСТАҚИЛЛИК КУНИ» байрами муносабати билан куйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади.

«МУСТАҚИЛЛИК-25»

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анджон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фаргона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтинарк филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Huquq

юрidik gazeta

Муассис:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma S-6116. 43 548 nusxada bosildi. Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA Sahifalovchi: S.BABA JANOV Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmoxona topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004